Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

# XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 2014-yil 16-oktabr, payshanba, **41 (569)-son** | e-mail: **xxi_asr@mail.ru**, web sayt: **www.21asr.uz**

ПАРЛАМЕНТДА

## Электрон тижорат электорат учун

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси ташаббуси билан Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбати «Электрон тижоратнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга доир долзарб вазифалар» мавзуига бағишланди**

Қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, тадбиркорлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган йиғилишда «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси муҳокама этилиб, соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада яхшилашга оид таклифлар ишлаб чиқилди.

Мулоқотда алоҳида таъкидланганидек, бугун ривожланган мамлакатларда электрон тижорат кенг қўлланилмоқда. Айни пайтда жаҳон аҳолисининг 10 фоизи ўз харидларини айнан интернет тармоғи орқали амалга ошираётгани ва бу кўрсаткич тобора ўсиб бораётганини кузатиш мумкин.

Ўзбекистонда ҳам электрон тижоратни изчил ривожлантириш, соҳанинг ҳуқуқий асосини тартибга солиш мақсадида бир қатор қонунлар қабул қилинган.

2

## Фойдали дуранг ва ажойиб ғалаба

Куни кеча Абу-Даби ва Янгон шаҳарларида бўлиб ўтган футбол учрашувларида ўзбекистонлик мухлисларни хушнуд этган иккита натижа қайд этилди. Хусусан, Мьянмада ёшлар (U-19) ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионатининг гуруҳ баҳслари доирасида австралиялик тенгдошлари билан 1:1 ҳисобда дуранг ўйнаган Равшан Ҳайдаров шогирдлари мусобақанинг чорак финалига йўл олган бўлсалар, Миржалол Қосимов мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси футболчилари БАА терма жамоасига қарши сафарда ўтказилган ўртоқлик учрашувида рақиб дарвозасига жавобсиз тўртта тўп киритиб, ишончли ғалабага эришдилар. Таъкидлаш жоиз: «Мьянма-2014»нинг 1/4 финалида Таиланд ёшлар терма жамоаси билан беллашадиган йигитларимиз 17 октябрь куни Тошкент вақти билан соат 17:30 да бошланадиган ўйинда ғалаба қозонсалар, келаси йил ёзида Янги Зеландияда ёшлар (U-20) ўртасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритадилар. 2015 йилнинг январида Австралияда ташкил этиладиган Осиё кубогига қизғин тайёргарлик кўраётган миллий терма жамоамиз эса навбатдаги ўртоқлик учрашувини 10 декабрь куни Қувайт терма жамоасига қарши ўтказади.

# O`zLiDeP сайловда иштирок этишга расман рухсат олди





Солих ЗОИР олган суратлар

## Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик кампанияси тобора қизғин паллага кирмоқда

Мазкур сайлов жараёнини ёритиш бўйича республика матбуот марказида мамлакатимиз ва хорижлик журналистлар иштирокида ўтказилган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов ОАВ ходимларига сайлов округларини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини шакллантириш, сиёсий партияларнинг бўлажак сайловда иштирок этишига рухсат бериш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот берди.

— «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ Қонунчилик палатасига сайлов бир юз ўттиз бешта ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида ўтказилади, — деди М.Абдусаломов. — Марказий сайлов комиссиясининг жорий йил 9 октябрь куни бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан комиссия раиси, унинг ўринбосари, котиби ва камида олти нафар аъзолардан иборат таркибда тузилади. Комиссиялар аъзоларининг рўйхати комиссиялар манзили ва телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинади.

Маълум қилинишича, округ сайлов комиссияларининг шахсий таркибини тасдиқлашда комиссиялар таркибига жамоатчиликнинг обрўли вакилларини киритишга алоҳида эътибор қаратилган.

2

## Мулкдорлар манфаати муҳофазаси — муҳокамада

**Ўтган беш йил мобайнида қандай натижаларга эришдик? Жумладан, партия электорати манфаатларини ифодалаш ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг асл моҳияти либерал-демократик ғоялар билан уйғун эканлигини омма ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш борасида зиммамиздаги вазифаларни қай даражада уддалай олдик? Сайловолди кампаниясини муваффақиятли ўтказиш, партиямизнинг сайловда муносиб иштирокини таъминлаш учун биринчи галда бажаришимиз зарур бўлган ишлар нималардан иборат? Ҳудудий ташкилотлар конференцияларига делегатлар сайлашда қандай мезонларга асосланганимиз маъқул?**

3

МУНОСАБАТ

## Шукроналик



**Эътибор берганмисиз, ўзбекнинг тўй-ҳашами ўтказилаётган жойга кираверишда файзли дастурхон атрофида ҳамиша юзидан нур ёғилиб турган (мисол учун, ушбу суратдаги сингари) қариялар савлат тўкиб ўтирадилар. Ташриф буюрганлар эса уларга эҳтиром кўрсатиб, шундай иззат-икромга сазовор бўлишни ният қиладилар.**

**Меҳмонлар жамул-жам бўлганларидан сўнг отахонларнинг кайвониси Яратганга шукроналар билдириб, маросимни очади. Тантана якунида унинг сабабчилари ва иштирокчиларига эзгу ниятлар билдириб, оқ фотиҳа беради. Ушбу тамойил асрлар давомида халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган.**

**Шукрки, бу каби олий қадриятларимиз турли таъқиблар натижасида салкам унутилаёзган бир пайтда мустақилликка эришдик. Қадимий урф-одатларимиз давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Юртбошимиз таклифи билан 2002 йилнинг «Қарияларни қадрлаш йили», 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» дея номлангани, шу асосда алоҳида давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, ёши улуғларга алоҳида иззат-икром кўрсатилаётгани ва бундай эътибор мамлакатимизда одатий ҳолга айлангани кундалик ҳаётимизда яққол акс этиб турибди.**

**— Куни кеча муҳтарам Президентимизнинг «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони чиққанини эшитиб, ниҳоятда тўлқинланиб кетдим, — дейди Зангиота туманидаги Деҳқонобод маҳалласида истиқомат қилувчи Хотам бува Абдуллаев. — Етимликда ўсганим боис уруш йиллари ўта оғир ишларни бажаришга мажбур бўлганман. Ўша кезларда вақти келиб фаровон ҳаёт кечиришни ҳатто тасаввур ҳам эта олмасдим. Бугун 3 ўғил, 4 қиз, қатор невара-чеваралар куршовида яшаётганимдан мамнунман. Ёшим 80 га яқинлашиб қолганига қарамай, қўлга ҳасса олганим йўқ. Буларнинг бари юртимиздаги тинчлик-осойишталик, тўкин-сочинлик, давлатимизнинг алоҳида ғамхўрлиги шарофатидандир.**

## Ташувчи жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси

### айни пайтда йўловчилар мулкига етадиган зарарни қоплаш масаласини ҳам назарда тутади

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида парламент қуйи палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси партия фракцияси билан биргаликда ташкил этган тадбирда вазирлик ва идоралар, суғурта компаниялари, «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси ва йўловчи ташиш хизматлари кўрсатадиган бошқа ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Маълумки, йўловчиларни суғурталаш орқали ҳимоялаш 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида»ги қонун асосида таъминланмоқда. Лекин мазкур қонун меъёрларининг бир қисми айни пайтдаги замонавий талабларга жавоб бермаяпти. Мисол учун, қонуннинг 2-моддасига кўра, шаҳар атрофига қатновчи темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчилари, шаҳар ичида қатновчи транспорт йўловчилари, шунингдек, бир вилоят ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси доирасида қатновчи автомобиль транспорт йўловчилари учун 50 километр масофагача мажбурий суғурта қўлланилмайди.

Янги қонун лойиҳасида эса мамлакатимиз ҳудудидаги барча турдаги транспорт воситалари йўловчиларига суғурта тақдим этилиши назарда тутиляпти. Йўловчилар манфаатини тўлиқ ҳимоялаш учун уларни мажбурий шахсий суғурта қилиш ўрнида ташувчининг йўловчилар олдидаги жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш механизми жорий этилмоқда.

2

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ САЙЛОВИГА

**65 КУН ҚОЛДИ**

АНИҚ САВОЛГА

**— Айтингчи, амалдаги қонунчиликка кўра мамлакатимизда сайловолди ташвиқот ишларини олиб боришда нималар тақиқланади?**

— «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддаси, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасига биноан тарғибот жараёнини сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади.

АНИҚ ЖАВОБ

## БУГУНГИ СОНДА:

**ЖАРАЁН** Ёшларни иш билан таъминлаш — долзарб масала 4



**ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА** Ютуқлар — чегара эмас 5



**ТИЖОРАТ** Истеъмолчиларга манзур маҳсулотлар 7



**СЎНГГИ САҲИФА** Пул мукофотлари эгаларига топширилди 8



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки **2014** йил **14** октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2075,53 | 1 АҚШ доллари | 2375,56 | 1 Хитой юани | 387,85 | 1 Туркия лираси | 1042,05 | 10 Япония иенаси | 221,68 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3827,74 | 1 Миср фунти | 332,25 | 1 Малайзия ринггити | 729,37 | 1 Швейцария франки | 2493,76 | 1 Россия рубли | 59,08 |
| 1 Дания кронаси | 405,01 | 1 Исландия кронаси | 19,71 | 1 Польша злотийси | 720,37 | 1 ЕВРО | 3006,57 | 1 Украина гривнаси | 183,44 |
| 1 БАА дирҳами | 646,76 | 1 Канада доллари | 2121,22 | 1 СДР | 3531,08 | 10 Жанубий Корея вони | 22,28 | | |

# ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

АКС-САДО

## Юксак ғамхўрлик ифодаси

**— Президентимиз Ислом Каримовнинг вилоятимизга ташрифи чоғида андижонликлар шаънига билдирган самимий фикрлари кекса-ю ёшни фахр-ифтихор туйғуларига тўлдирди, десам адашмайман. Ҳали-ҳамон барчамиз ана шу таассуротлар оғушида яшаб, меҳнат қилмоқдамиз**



**Равшаной ЖЎРАБОЕВА,**
Андижон индустриал-педагогика коллежи директори

Юртбошимиз вилоятимизга ҳар гал келганларида хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратадилар. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, хотин-қизларни ардоқлаган, уларнинг келажаги ҳақида астойдил қайғурган халқ асло кам бўлмайди. Буни амалда кўриб, қалбан ҳис қилиб турибмиз. Қолаверса, билдирилган юксак ишонч зиммамизга алоҳида масъулият юклашини ҳам унутмаслигимиз лозим.

**Давлатимиз рахбари кишлок ахли хеч кимдан кам бўлмаган шарт-шароитда яшашга хакли эканлигини таъкидларканлар. барча сохада ислохотларни чукурлаштириш. агросаноат тизимини боскичма-боскич ривожлантириш юзасидан хам фикр-мулохазаларни ўртага ташладилар.** Бу, шубҳасиз, барчамизни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан янада фаолликка ундайди. Эзгу мақсадлар бирин-кетин рўёбга чиқмоқда. Дейлик, қишлоқларимизда намунавий лойиҳа асосида бунёд этилаётган кўркам уй-жойлар, савдо ва маданий-маиший хизмат шохобчалари кимнинг ҳавасини уйғотмайди, дейсиз?!

Бундай тинч-осойишта жамиятда камол топаётган фарзандларимиз ҳам соғлом ва баркамол бўлиб улғайишлари аниқ. Зотан, хотиржамликда ҳикмат кўп.

Ҳеч бир муваффақият ўз-ўзидан келмайди. Уни сиз-у биз ҳалол меҳнатимиз орқали яратамиз. Мамлакатимизда худди шу тамойилга амал қилиниб, салмоқли натижаларга эришилмоқда. Жумладан, Андижон вилоятида ҳам замонавий саноат тармоқларини кенгайтириш, янги корхоналар барпо этиш ва мавжудларини қайта модернизациялаш диққат марказида тутилаётир. 2013-2015 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида январь-сентябрь ойлари мобайнида умумий қиймати 253 миллиард сўмлик 2815 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 24 мингтадан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Ҳадемай «Олтин водий» тезюрар поезди қатнови йўлга қўйилади. У йўловчилар узоғини икки-уч ҳисса яқинлаштиришга хизмат қилади, албатта. Буларнинг ҳаммаси юртимизда амалга оширилаётган туб янгиланишлар барча қатори андижонликлар ҳаётига ҳам янги маъно ва мазмун бахш этаётганидан яна бир далолатдир.

ПАХТА-2014

## Ҳаммаси ўзимизники

**O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши фаоллари Нукус тумани далаларидаги ҳашарчилар ҳузурида бўлиб, «оқ олтин» хирмонига баҳоли қудрат улуш қўшдилар**

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,** «XXI asr»

Маълумки, мустақиллик йилларида қишлоқда шаклланган ўрта синф – фермерлар таъсис этган хўжаликларда муносиб меҳнат шароитларига эга бўлган юз минглаб киши айнан аграр соҳадаги янгиланишлар эвазига ўз турмушини яхшиламоқдалар, намунали ижтимоий инфратузилма яратмоқдалар.

**Давлатимиз рахбари Ислом Каримов якинда Андижон вилоятининг Олтинкўл туманидаги «Кўхна водий бахори» фермер хўжалиги пахта даласида бўлганларида бу гўзал эл-юрт хам. бу мўл хосилли дала хам. пахтадан юксак хирмонлар бунёд этаётган миришкор халк хам ўзимизники экани. тинч-осойишта. баракали. файзли умумий уйимиз Ўзбекистоннинг тараккиётига хизмат килишини алохида таъкидладилар.**

Бу даъват Оролбўйи мулкдорларининг ҳам ғайратига ғайрат қўшди. Шу маънода қорақалпоғистонлик фермерлар карвоннинг олдинги сафида бораётгани қувонарлидир. Амударё туманининг пахтачиликда тажриба мактаби яратган миришкорлари мамлакатда биринчилардан бўлиб 32640 тонналик зафар қайдномасига имзо чеккан эдилар. Теримни уюшқоқлик билан ташкил этган Элликқалъа, Беруний ва Қўнғирот туманларининг азми қатъий фермерлари ҳам контрактация шартномаларини муддатидан аввал адо этдилар.

10 октябрь куни қорақалпоғистонлик қишлоқ меҳнаткашлари 190 минг тонна қимматбаҳо саноат хом ашёсидан иборат хирмон уйиб, шараф билан марра чизиғига етиб келдилар.

Пахта толаси мамлакат тараққиёти учун муҳим стратегик хом ашё бўлгани боис асосан боғдорчилик, полизчилик ва сабзавотчилик билан шуғулланадиган Нукус туманида ҳам «оқ олтин»дан юқори ҳосил олинмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари Андижон вилоятида бўлганларида алоҳида таъкидлаган ҳал қилувчи омил — шу ҳудуд иқлими ва тупроқ шароитига мос, серсоҳил, толаси технологик жиҳатдан сифатли ғўза навлари экилаётганлиги кутилган самарани бермоқда.

— Нукус туманидаги «Она ер» фермер хўжалигида Тошкент Ахборот технологиялари университети Нукус филиали профессор-ўқитувчилари билан бирга пахта тердик, – дейди O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Ж.Сейитназаров. — Фермер хўжалигининг номи ҳаммамизни тўлқинлантирди. Бизни боқадиган ҳам, барча ноз-неъматларга қувват берадиган ҳам, яшаш деган улуғ неъматга ифтихор бахш этадиган ҳам она еримиздир. Яширадиган жойи йўқ: сайёрамизнинг айрим жойларида бир бурда нонга зор бўлиб яшаётганлар оз эмас. Биз эса Конституциямиз берган ҳуқуқ ва эркинликлар асосида мамлакатни тараққий эттириш, иқтисодиётни мустаҳкамлаш, шу жумладан, аграр тармоқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, сервис соҳасини ривожлантириш, мавжуд экологик вазиятни яхшилашга бир ёқадан бош чиқариб улуш қўшмоқдамиз!

## Электрон тижорат электорат учун

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI asr»



Солих ЗОИР олган сурат

Хусусан, «Электрон тижорат тўғрисида», «Электрон тўловлар тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир. Бунда интернет орқали электрон тўловларни амалга оширишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш механизмлари ҳам белгиланган. Банк карточкалари орқали аввалига оф-лайн, кейинчалик эса он-лайн тизими ёрдамида тўловларни амалга ошириш жорий этилди. Қолаверса, «Интернет-банкинг», «СМС-тўлов» каби тизимлар негизида масофадан туриб банк хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилди.

— Амалдаги қонундан фарқли ўлароқ янги таҳрирда таклиф этилаётган лойиҳада асосий эътибор ахборот хавфсизлигини таъминлаш, электрон тижорат механизмларини такомиллаштириш ва ундан фойдаланишда иштирокчиларга имкон қадар содда, аниқ хизматлар кўрсатишни йўлга қўйишга қаратилган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Солиев. — Бу эса бевосита тадбиркорларга электрон имкониятлардан фойдаланган ҳолда товарларни сотиш, хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга оширишда қўл келади. Зеро, ахборот-коммуникация технологиялари орқали кўрсатиладиган хизматларни самарали татбиқ этиш ижтимоий-иқтисодий соҳанинг барча жабҳалари, шу жумладан, бизнесни ривожлантиришнинг асосий омилларидан биридир.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши савдо операцияларини амалга ошириш бўйича харажатлар камайиши, электрон тижорат субъектларининг бир-биридан географик узоқлиги билан боғлиқ муаммоларни ижобий ҳал этади. Сотувчилар ва харидорлар ўртасида тўғридан-тўғри тезкор шартномавий муносабатларни ўрнатиш учун шароит яратиб, бозорда янги иштирокчилар пайдо бўлишига олиб келади. Бу, ўз навбатида, тадбиркорларнинг халқаро бозорда ҳам самарали рақобат қилишларини таъминлайди. Ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида кўрсатилаётган хизматларнинг кенг жорий этилиши O`zLiDeP Сайловолди платформасини амалга оширишда ҳам муҳим ўрин тутади.

Фракция аъзоларининг фикрича, мамлакатимизда ахборотлаштириш соҳасида қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, замонавий телекоммуникация инфратузилмасини барпо этишга қаратилган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, 2013 йилда электрон савдоларда амалга оширилган давлат харидлари 417 млрд. сўмни ташкил этгани бунинг ёрқин намунасидир. Эътиборлиси, давлат харидлари доирасида етказиб берилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг 83 фоизидан ортиғи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.

Шу ўринда қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси амалдаги қонундан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади, деган савол туғилиши табиий.

Биринчидан, жисмоний шахс бўлган электрон тижорат субъектлари учун электрон рақамли имзодан фойдаланиш бўйича қатъий талаб бекор қилиниб, уларга электрон рақамли имзонинг бир марталик идентификаторидан ёки шахсий имзонинг аналогидан фойдаланишга рухсат этилади. Бу эса электрон битимларни расмийлаштиришни соддалаштириш ва интернет тармоғи орқали банк карталаридан фойдаланган ҳолда тўлов механизмини жорий этиш имконини беради.

Иккинчидан, электрон тижорат субъектларига электрон битимларни амалга ошириш бўйича хизмат кўрсатувчи ахборот воситачилари таркиби кенгаяди. Яъни, улар таркибига телекоммуникация тармоғи операторлари, тўлов агентлари, электрон савдони ташкил этишни амалга оширувчи ва электрон ҳужжатларни депозитар сақлаш бўйича хизмат кўрсатувчи шахслар киритилмоқда.

Учинчидан, электрон ҳужжат(хабар)лардан фойдаланган ҳолда, электрон битимлар ва электрон шаклдаги шартномалар тузилишининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, тижорат таклифлари ҳамда электрон тижорат шартномалари шартларига қўшимча талаблар ўрнатилади.

Тўртинчидан, қонун лойиҳасига ҳисоб-фактура ва бошқа зарурий ҳужжатларни электрон шаклда расмийлаштириш имкониятини берувчи норма киритилди. Бугунги кундаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, товарлар иш ва хизматлар савдосида шартнома ижросини бажариш учун ҳисоб-фактура ёки бошқа ҳужжатларни қоғоз шаклида имзолаш амалиёти мавжуд. Бу электрон тижоратни интернет тармоғи орқали амалга оширишда қийинчилик туғдиради.

Бешинчидан, электрон тижорат учун қулай шарт-шароит яратиш ва уни ривожлантириш стратегияси, ташкилий, технологик ва қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича ягона ёндашувни шакллантириш мақсадида давлат томонидан мазкур соҳани тартибга солувчи ваколатли орган тайинланиши кўзда тутилиб, унинг ваколатлари ҳам белгиланмоқда.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида электрон тижорат иштирокчиларининг шахсий маълумотлари хавфсизлигини таъминлаш, электрон тижоратда давлат харидларини амалга ошириш, шунингдек, хорижий ҳамкорлар билан битимлар тузиш каби бир қатор жараёнларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йиғилиш сўнгида муҳокама этилган масала юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар билдирилди. Хусусан, O`zLiDeP фракцияси аъзолари кичик бизнес субъектларига давлат органлари томонидан тақдим этилаётган интерактив хизматлар рўйхатини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш, электрон тижорат билан шуғулланувчи тадбиркорларга солиқ, божхона ва бошқа имтиёзлар беришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидладилар.

## O`zLiDeP сайловда иштирок этишга расман рухсат олди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Шухрат ХЎЖАЕВ,**
«XXI asr»

Округ сайлов комиссияларига 1463 киши жалб қилинган бўлиб, уларнинг 45,1 фоизи таълим соҳаси, 21,8 фоизи жамоат бирлашмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, 3,6 фоизи эса ишлаб чиқариш соҳаси вакилларидир. Аҳамиятлиси, комиссия аъзоларининг 66,9 фоизи илгари бўлиб ўтган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёнларида иштирок этган.

Матбуот анжуманида мамлакатимизда фаолият юритаётган барча сиёсий партиялар, жумладан, O`zLiDeP ҳам барча ҳужжатлар — сайловда иштирок этиш тўғрисида, партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганидан камида тўрт ой аввал Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинганини тасдиқловчи маълумотнома ҳамда сайловчиларнинг сиёсий партияни сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи имзо варақаларини Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилгани маълум қилинди. Ўз навбатида партиялар учун сайловчиларнинг камида қирқ мингта имзосини тўплаш белгилангани, бунда мамлакатимизнинг битта маъмурий ҳудудида йиғилган имзолар сони барча имзолар миқдорининг саккиз фоизидан ошмаслиги шарт қилиб қўйилгани айтиб ўтилди.

> **Марказий сайлов комиссияси барча сиёсий партиялар, хусусан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига сайловда иштирок этишига рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.**

Таъкидланганидек, партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, унинг таркибига ички ишлар ва адлия органлари ходимлари, шунингдек, аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасалар мутахассислари киритилди. Партиялар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганиш давомида шу нарса маълум бўлдики, сиёсий партияларни қўллаб-қувватлайдиган сайловчилар имзоларини тўплаш сайлов қонунчилиги талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтказилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда Марказий сайлов комиссияси барча сиёсий партиялар, хусусан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига сайловда иштирок этишига рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловида иштирок этиши ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинди.

Матбуот анжумани давомида журналистлар сайловни ўтказишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ саволларига жавоб олдилар.



## Ташувчи жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Ушбу чора-тадбирлардан кўзланган асосий мақсад ташувчи ташкилотлар томонидан йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкига етказилган зарар қопланишини кафолатлашдан иборатдир. O`zLiDeP фракцияси экспертлари бу каби тадбирларнинг ташкил этилаётгани қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

— Мазкур қонуннинг қабул қилиниши аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизматлари сифатини янада яхшилашда муҳим қадам бўлади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Зоиров. — Энг муҳими, қонун лойиҳаси фракциямиз томонидан партия электорати нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда алоҳида қўллаб-қувватланмоқда. Боиси қонунда йўловчиларнинг тўлақонли суғурта ҳимоясини таъминлаш мақсадида уларнинг мулкига етказилган зарарни қоплаш масаласи ҳам назарда тутилаётир.

Давра суҳбати мазкур соҳадаги илғор хорижий тажриба, хусусан, бугунги кунда Европа Иттифоқининг деярли барча мамлакатларида, АҚШ, Канада, Япония давлатларида йўловчиларнинг манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишда уларнинг мажбурий шахсий суғуртаси ўрнига ташувчининг йўловчилар олдидаги жавобгарлигини суғурта қилиш механизми кенг қўлланилаётгани айтиб ўтилди.

Умуман олганда, ушбу қонун лойиҳаси фуқароларга етказилган зарар ўрнини қоплаш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан бир қаторда суғурта бозори ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтаришга замин яратади.

## Мавсум илғорлари партия эътиборида

**O`zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши йиғим-терим мавсумида илғор натижаларга эришган электорат вакилларини рағбатлантириш, партия ғоялари тарғиботини кучайтириш мақсадида туркум тадбирлар ташкил этмоқда**



Хусусан, Жарқўрғондаги мулоқотда партия вилоят ва туман кенгашлари мутасаддилари, бошланғич ташкилотлар етакчилари, тадбиркорлар, фермерлар ва ҳашарчилар иштирок этди.

Тадбирда биринчилардан бўлиб шартнома мажбуриятини бажарганлиги учун «Тўлаган ўғли Эсонқул» фермер хўжалиги раҳбари Иқбол Қодирова, шунингдек, Узун туманидаги «Навбаҳор» фермер хўжалиги раҳбари Ҳайитали Неъматов, Денов туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги раҳбари Аҳмад Нарзуллаев, Шўрчи туманидаги «Тўқсон» фермер хўжалиги раҳбари Ботир Эшбоевга партиянинг ташаккурномалари топширилди.

Бундан ташқари, «Селена-Дона-Динара» МЧЖ раҳбари Ҳанифа Қаророва пахта йиғим-теримида бошқаларга ўрнак бўлаётган илғор теримчиларга қимматбаҳо совғалар топширди.

Умуман, учрашувлар мобайнида шартнома мажбуриятини бажарган 150 дан ортиқ фермер хўжалиги раҳбарлари ва теримчиларга Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасининг расмий ташаккурномалари тақдим қилиниб, эсдалик совғалари топширилди.

**Дилрабо РАҲМОНОВА,**
**O`zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши масъул ходими.**

# ҲУДУДИЙ КОНФЕРЕНЦИЯЛАР

## Мулкдорлар манфаати муҳофазаси — муҳокамада

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Беҳзод ИСРОИЛОВ,**
«XXI asr»

Ишчанлик руҳида, қизғин мунозаралар, ўзаро фикрлар алмашинувлар билан ўтган O`zLiDeP туман ва шаҳар кенгашлари конференцияларида делегатлар ана шундай долзарб саволларга холис ва тўғри жавоб топишга интилдилар ва мулкдорлар манфаати учун янада қатъийроқ курашиш зарурлигини қайта-қайта таъкидладилар.

Хусусан, 4201 нафар сафдошимиз фаолиятини мувофиқлаштираётган Миробод туман партия ташкилоти конференциясида ўз ҳаётини O`zLiDeP билан чамбарчас боғлаган 73 делегат иштирок этди. Уларнинг 19 нафари янги авлод вакили, 26 нафари эса аёллар. Жами делегатларнинг ярмидан кўпроғини хусусий сектор вакиллари, иқтисодий соҳа мутахассислари ташкил этгани партия дастурий ғояларини тўла амалга оширищдан манфаатдор ҳаммаслаклар тўпланганидан далолат беради.

Анжуманда ўтган 5 йил мобайнида изчиллик билан олиб борилган ғоявий-сиёсий ишлар ижобий самаралар бергани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётига кўмаклашиш ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоялаш бўйича тизимли саъй-ҳаракатлар амалга оширилгани, кенгаш билан БПТлар ўртасидаги алоқалар такомиллаштирилгани қайд этилди. Партия Миробод туман кенгаши раиси Равшан Фозиловнинг маърузасида шу сингари масалаларга алоҳида урғу берилди.

— Партия аъзолари сони туманда ҳар ойда ўртача 20-25 кишига кўпаймоқда. Шуниси диққатга сазоворки, ўтган йилларда корхона ва ташкилотларнинг 342 ходими партияга якка тартибда қабул қилинди, — деди Р.Фозилов. — Бу эса жами 15 мингдан зиёд киши қатнашган тарғибот ишлари қанчалик таъсирчан бўлганини кўрсатиши билан бирга либерал-демократик ғояларнинг ниҳоятда ҳаётий эканлигини яққол намойиш этаётир. Зеро, сайловдан сайловгача бўлган даврда партия аъзолари сони 3000 дан 4177 нафарга етди. Сиёсий куч негизи ҳисобланган қуйи бўғинлар ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан ўсди. Чунончи, «Истаравшан» хусусий фирмаси, «Саҳий инсон», «Lux media», «Master Berv» масъулияти чекланган жамиятлари ва бошқа ўнлаб субъектларда янги таянч бўғинларга асос солинди.

Мулкдорлар ўртасида партия илгари сураётган ғоялар моҳиятини ташвиқ қилиш миқёси янада кенгайди. Биргина «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасида 70 дан ортиқ талаба имтиёзли кредит берувчи банк сертификатларини қўлга киритди ва улар томонидан 100 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда туман кенгаши билан БПТлар ўртасидаги ҳамкорлик ришталари янада мустаҳкамланди.


Солиҳ ЗОИР олган сурат

> **Лекин, шундай натижаларга қарамай, қатор камчиликларимиз борлигини ҳам тан олишимиз керак. Чунончи, ички имкониятлардан, берилган ваколатлардан етарлича фойдалана билмаслик, айрим партия аъзоларининг ижтимоий масъулиятни чуқур ҳис қилолмаслиги шулар жумласидандир.**

Айтайлик, режалар ишлаб чиқиш, баённома ва бошқа турли ҳужжатлар расмийлаштириш, йиғилишларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш юзасидан қуйи ташкилотларга туман кенгаши томонидан услубий, ташкилий ва амалий ёрдам бериш механизми мукаммаллаштирилди. Шунингдек, ҳисобот даврида аҳолининг турли қатламлари, жумладан, асосий электоратимиз саналган ўрта синф вакилларидан тушган 130 га яқин мурожаат ва таклиф ўрганилиб, уларнинг ижобий ҳал этилишига партиявий воситалар билан кўмаклашилди.

Бундай фаоллик бўлажак сайловда биз учун ишонч қоғози вазифасини ўташи шубҳасиз. Лекин, шундай натижаларга қарамай, қатор камчиликларимиз борлигини ҳам тан олишимиз керак. Чунончи, ички имкониятлардан, берилган ваколатлардан етарлича фойдалана билмаслик, айрим партия аъзоларининг ижтимоий масъулиятни чуқур ҳис қилолмаслиги шулар жумласидандир. Уларни бартараф этиш учун таянч тузилмалар ишини бундан-да кучайтириш, партия сафини кенгайтиришда БПТлар раислари, фаолларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, партия аъзоларининг меҳнатда, жамоат ишларида, умуман, ҳамма жабҳада бошқаларга ўрнак бўлишига эришиш, тадбирларда энг замонавий усуллардан фойдаланишни кенгайтириш каби бир қанча ишларни бажариш билан бевосита боғлиқдир.

Тадбирда туман кенгаши аъзоси Миродил Баротов сўзга чиқиб, яқинлашаётган жиддий сиёсий синов — сайловга ҳозирлик масалалари тўғрисида атрофлича сўз юритди.

— Бўлажак сайлов арафасида зиммамиздаги энг асосий вазифа O`zLiDeP ғояларининг бошқа сиёсий партияларникидан афзал ва устун эканини исботлашдир, — дея таъкидлади нотиқ. — Бунинг учун фаолларимиз нафақат дастурий ғоя ва мақсадларимиз, балки бошқа сиёсий кучлар илгари сураётган ғоялар мазмунини тушунтириб бера олишлари лозим. Ана шундагина кескин кечиши кутилаётган курашда олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан партия туман кенгаши раиси ўринбосари Гулчеҳра Турсунова сўз олиб, O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдаги конференциясига 10 нафар делегат сайланишини ҳам маълум қилди. Кўрсатилган номзодлар атрофлича муҳокама қилингач, вакиллар сайланди ва уларга тегишли тавсиялар берилди.

## АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАШ МИЛЛАТИМИЗГА ХОС ФАЗИЛАТ

**Кейинги 50 йил мобайнида БМТ аёллар ҳақ-ҳуқуқларига доир 30 дан зиёд конвенция қабул қилган бўлса, мамлакатимизда сўнгги 20 йилнинг ўзида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган 100 га яқин давлат аҳамиятига молик ҳужжат ҳаётга жорий этилди. Бунинг самараси ўлароқ, бугун фан-таълим, тиббиёт, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, санъат ва маданият, давлат идоралари тизими ва сиёсат соҳасида муносиб ютуқларга эришиб, юртимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшаётганларнинг 48 фоизини опа-сингилларимиз ташкил этмоқда**

**XXIII**
**КИМ ЭДИГУ**
**КИМ БЎЛДИК?**

Қишлоқларимизда етакчи кучга айланган фермер хўжаликларининг 2 мингга яқинига ҳам аёллар раҳбарлик қилишаяпти. Бу жуда катта кўрсаткич, албатта. Улар сафида «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвони, давлатимизнинг орден ва медаллари, ижодий йўналишдаги давлат мукофотлари билан тақдирланганлар кўпчиликни ташкил этади.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги изчилислоҳотлар боис «Соғлом она ва соғлом бола» дастури умуммиллий ҳаракатга айланди. Нуфузли халқаро институтларнинг баҳолашича, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароит яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Мустақиллик йилларида аёлларнинг умр кўриш давомийлиги 67 ёшдан 75 ёшга узайди. Оналар ва гўдаклар ўлими 3 бараварга камайди. «Save the children» («Болаларни асрайлик») халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида Ўзбекистон ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар ўнталигидан муносиб ўрин эгаллади.

— Мамлакатимизда тадбиркорлар, хусусан, ишбилармон аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераяпти, — дейди «Асадбек Мафтуна Малика» фермер хўжалиги раҳбари Назира Ортиқова. — Бу, шубҳасиз, бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшаётир. Ўзимдан қиёс: мустақиллик даврида умримнинг ҳеч бир йили бесамар кечмади. Ҳар йилги ўзгаришлар, имтиёз ва имкониятлар рағбат учун асос бўлди. Дастлаб савдо соҳасида тадбиркорлик билан шуғулландим. Мана, саккиз йилдирки, фермер хўжалигини бошқараяпман. Ерга эгалик туйғуси давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътиборга лойиқ бўлишга ундайверади мени.

— Юртимизда аёлларни ижтимоий ҳимоялаш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда яқиндан кўмаклашиш, ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этиш, имтиёзли кредитлар ажратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маърупова. — Жумладан, аҳоли даромади ва турмуш даражасини оширишнинг ўта муҳим шарти бўлган бандлик масаласини ҳал этиш жараёнида хотин-қизларга ҳар томонлама муносиб шароит яратиб бериш асосий вазифаларимиздан саналади. Аёлларнинг оила иқтисодига қўшаётган ҳиссасини ошириш мақсадида деҳқон хўжаликларини ривожлантириш, паррандачилик, чорвачилик ҳамда касаначиликни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Масалан, биргина уй меҳнати ташкил қилиниши ҳисобига 2009 йилда хотин-қизларимиз учун 100 мингта иш ўрни яратилган бўлса, 2012-2013 йилларга келиб бундай юмуш билан банд опа-сингилларимиз сони 350 мингтадан ошиб кетди.

— Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари аёлларимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этаётир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Шоира Ҳайдарова. — Сайлов тўғрисидаги қонунларимизга вакиллик органларига номзод кўрсатишда ҳар қайси сиёсий партия бўйича хотин-қизларга камида 30 фоизли квота ажратиш шарти белгилаб қўйилгани ҳам уларга бўлган эътибордан далолат беради.

— Биз, аёллар учун ўзлигимизни намоён этадиган давр келди. Шундай экан, фақат фарзандлар тарбияси билан машғул бўлиб қолмай, иқтисодиётни юксалтириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш йўлида ҳам куч-ғайратимизни аямаслигимиз лозим, — дейди «Ал-Абдусалом» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, «Шуҳрат» медали соҳибаси, O`zLiDeP фаоли Сайёра Сулаймонова. — 2002 йилда тўрт киши билан макарон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган цех ташкил этган эдик. Ҳозир бу ерда 30 нафардан ортиқ аёллар жамоаси шаклланган. Кейинги йилларда корхона фаолиятини кенгайтириб, қандолатчилик ва новвойчиликни ҳам йўлга қўйдик. Хорижий инвестиция ва Халқ банкининг 100 миллион сўмлик имтиёзли кредити эвазига замонавий ускуналар харид қилинди. Юртимизда тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратилгани туфайли бугун рўзғоримиз бут, турмушимиз фаровон. Икки набиранинг бувиси, жамиятимизнинг бахтли аёлларидан бириман. Бир аёл учун бундан ортиқ бахт борми?!

Дарҳақиқат, бугун тинч ва осойишта Ватанимиз бағрида оналик бахти, фаровон турмуш гаштини сураётган, жамиятимиз ҳаётида фаол иштирок этаётган бундай опа-сингилларимиз кўпчиликни ташкил этади. Улар орасида халқаро спорт мусобақаларида ғолиб чиқиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтараётган, хонатласу дўппиларга қалб қўрини қўшиб, дунёни лол қолдираётганлари қанча...

Ҳаёт давом этмоқда. Тараққиёт йўлимизнинг кейинги ўнйилликларга мўлжалланган босқичида ҳам аёллар учун янгидан-янги имконият эшиклари очилмоқда. Зеро, оналари улуғланадиган, опа-сингиллари эъзозланадиган юртнинг келажаги буюкдир.

**Наргиза ҚАҲҲОРОВА,**
**«XXI asr».**

## Сиёсий жараёнлар журналистлар нигоҳида

**«Пойтахт» бизнес-марказида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг «Мамлакатни модернизация қилиш ва демократик жамиятни барпо этишда ОАВ ролини ошириш» қўшма лойиҳаси доирасида икки кунлик семинар-тренинг ўтказилди**

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад фуқаролик жамияти институтлари тизимида ОАВ роли ва ўрнини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш, журналистларнинг вазирлик ва идоралар ахборот хизматлари билан ўзаро алоқаларини яхшилаш, мамлакат медиа маконининг барча иштирокчилари учун мулоқот майдонини яратишдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, мазкур жамоат фонди томонидан манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда бу борада кўплаб лойиҳалар амалга ошириляпти. Хусусан, ЕХҲТ лойиҳаларининг Ўзбекистондаги координатори билан биргаликда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматларининг ОАВ билан ўзаро алоқалари самарадорлигини янада ошириш масалалари», «Региональный диалог» (Словения) билан ҳамкорликда «Давлат ҳокимияти органлари ахборот хизматларининг ОАВ билан жамиятда ошкоралик ва очиқликни таъминлаш соҳасидаги ўзаро алоқалари» лойиҳалари доирасида ўтказилган қўшма тадбирлар фикримиз далилидир.

**Маълумки, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун ОАВнинг давлат органлари билан ўзаро алоқалари ҳуқуқий асосига айланди. Тадбирда ушбу қонуннинг ижроси мамлакатимиз миқёсида қай даражада таъминланаётганлиги тўғрисида ҳам сўз юритилди.**

— Юртимизда ахборот соҳасини тартибга соладиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нуриддин Муродов. — Жорий йилнинг май ойида қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуннинг амалиётга татбиқ этилаётгани ягона интерактив давлат хизматлари порталининг ривожланиши, мамлакатимизда парламент сайлови олдидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматларининг ОАВ билан ўзаро ҳамкорлигининг фаоллашувига хизмат қилмоқда.

## Янги босқичнинг янги вазифалари

O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайлов олдидан вилоят ҳудудий конференциясига делегатлар сайлаш ва маҳаллий кенгашлар сайловолди штабларининг фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган масалалар кўриб чиқилди.
— Сайлов арафасида O`zLiDeP томонидан кўплаб тадбирлар, семинар-тренинглар уюштирилмоқда, — деди партия Бекобод туман кенгаши раиси А.Жабборов. — Бундан кўзланган асосий мақсад тадбиркор ва фермерларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишдир. Жиддий сиёсий кампанияга тайёргарлик даврида электорат билан ишлашни сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга олиб чиқишимиз зарур.

**Дилноза НОМОЗОВА.**

## Муваффақият пойдевори

Республикамизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, Андижонда ҳам шаҳар партия ташкилотининг навбатдаги конференцияси ўтказилди.
Муҳим тадбирда БПТлар томонидан сайланган делегатлар, маҳаллий кенгашлар депутатлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат тузилмалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.
Иштирокчилар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловда қатнашишга доир масалаларни атрофлича муҳокама қилдилар. Маърузачилар қайд этганидек, мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, хусусан, сайлов жараёнларини тартибга солувчи тегишли ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани сиёсий партиялар ўртасидаги соғлом рақобатнинг кучайиши ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётда фуқаролар фаоллигининг ошишига мустаҳкам замин яратди.
Мажлисда сайловолди тайёргарлик жараёнини самарали олиб бориш бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Ишончли вакил ҳамда кузатувчиларни тайинлаш, сайловчилар билан учрашувлар ташкил этиш, депутатликка номзодларга ҳар томонлама кўмак бериш шулар жумласидандир. Мазкур ишларнинг бенуқсон бажарилиши учун қуйи бўғинлар ва шаҳар кенгаши фаолиятини кучайтириш, уларнинг тўлақонли ишлаши учун етарли шарт-шароит яратиш кераклиги таъкидланиб, зарур йўл-йўриқлар берилди. Шунинг баробарида O`zLiDeP Андижон вилоят кенгашининг тўртинчи конференциясига вакиллар сайланди ва кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Эльмира РАҲМОНОВА.**

## Синовдан ўтиш осон эмас

**O`zLiDeP Касби туман кенгаши конференцияси ошкоралик тамойиллари, ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Партия тарафдорлари, депутатлар ва ОАВ вакиллари иштирок этган анжуманда мазкур кенгаш раиси Нарсулло Худойбердиевнинг сайловолди кампаниясига тайёргарлик кўриш юзасидан ҳисоботи эшитилди. Унда айрим БПТларда ижро интизомининг сустлиги, жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари етарли даражада ташкил этилмаганлиги танқид қилиниб, партиянинг навбатдаги тадбирларини янги сифат босқичига кўтариш зарурлиги таъкидланди. Маълум бўлишича, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туманда бошланғич партия ташкилотлари еттитага, аъзолар сони эса 200 нафарга кўпайган.**
**— O`zLiDePнинг тумандаги 700 нафардан ортиқ аъзосидан бири эканлигимдан хурсандман, — дейди фермер Баҳодир Рашидов. — Туманда партиямизнинг ўз ўрни бор. Айни пайтда дастурий мақсадларимизни тарғиб қилиш, ёшлар қалбига либерал-демократик ғояларни сингдириш, ислоҳотлар моҳиятини тушунтириш мақсадида тегишли чора-тадбирларни кўряпмиз.**
**— Сайловчилар синовидан ўтиш осон эмас, — деди Н.Худойбердиев. — Депутатликка номзод халқнинг дарду ташвиши билан яшайдиган, эл орасида обрў-эътиборга эга инсон бўлмоғи керак. Фақат депутатлик гувоҳномасига эгалик қилиш ниятида бўлган кишиларга орамизда ўрин йўқ. Сайловолди штаби ва таянч гуруҳлари фаолиятини намунали ташкил этиш учун бор имкониятларни ишга соламиз.**
**Анжуманда O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдаги конференциясига делегатлар сайланди.**

Сайфулла ИКРОМОВ.

## Муносиб делегатлар сайланди

O`zLiDeP Навоий шаҳар кенгаши конференциясида сайловга тайёргарлик даврида ҳудудий ташкилот олдида турган галдаги вазифалар муҳокама қилиниб, партия вилоят кенгашининг навбатдаги конференциясига делегатлар сайланди.
Тадбирда сўзга чиққан халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзоси Баҳодир Жўраев жорий йилнинг 21 декабрь куни ўтказиладиган сайлов O`zLiDeP ҳамда унинг кўп сонли электоратини яна бир карра синовдан ўтказишини алоҳида таъкидлади. Вилоят кенгаши Сиёсий таълим маркази ҳамда лекторлар гуруҳи томонидан шаҳар сайловолди штаби фаолиятини самарали ташкил этиш, жойлардаги БПТлар фаоллигини ошириш юзасидан ўз мулоҳазалари ва амалий таклифларини билдирди.
Ҳудуддаги 63 та бошланғич ташкилотда ўтказилган йиғилишларда 3700 нафарга яқин сафдош томонидан сайланган делегатлар, партия фаоллари иштирок этган тадбирда вилоят кенгашининг бўлажак конференциясига тўрт нафар делегат сайланди.

**Мансур АСЛОНОВ.**

## Шаҳар фаоллари сарҳисоби

**O`zLiDeP Самарқанд шаҳар партия ташкилоти конференцияси бўлиб ўтди. Унда Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси вакиллари, партиянинг вилоят ҳамда шаҳар кенгашлари мутасаддилари, БПТлардан сайланган делегатлар қатнашди. Тадбирда партия ташкилотининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига ўтказиладиган сайловга тайёргарлик бўйича бажариладиган ишлар ҳамда ҳудудий конференцияга вакиллар сайлаш масалалари кўриб чиқилди.**
**— Охирги конференция уч йил аввал ўтказилган эди, — деди O`zLiDeP шаҳар кенгаши раиси Ф.Очилов. — Ўтган даврда талай партиявий лойиҳалар амалга оширилди. Депутатларимиз томонидан тегишли идоралар раҳбарларига 23 та сўров юборилиб, 20 нафар мансабдор шахс ҳисоботи эшитилди. Шунингдек, 14 маротаба назорат-таҳлил фаолияти амалга оширилди.**
**Тадбир иштирокчилари сайлов арафасида қилиниши лозим бўлган галдаги вазифаларни белгилаб олдилар.**

Муҳаббат РАВШАНОВА.

# ЖАРАЁН

## «Жондор чашмаси»ни биласизми?

**Сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Жондор чашмаси» масъулияти чекланган жамиятнинг фаолият кўрсата бошлаганига олти йил бўлди**

**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI asr»

Ўтган давр мобайнида корхона ишчи-хизматчиларининг ғайрат-шижоати туфайли режада кўзда тутилган барча вазифалар рисоладагидек бажариб келинаяпти. МЧЖ раиси, O`zLiDeP аъзоси Мамлакат Тошева партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари бажарилишига ҳам айнан шу йўл билан ҳисса қўшишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйгани бежиз эмас.

— Фаолиятимизни 2008 йилда «Агробанк»дан 50 млн. сўм имтиёзли кредит олиш билан бошлаган эдик, — дейди корхона раҳбари. — Ўшанда бор-йўғи икки хил маҳсулот ишлаб чиқарилларди. Банк маблағи бир қатор муҳим анжомлар, жумладан, сепаратор ва сут ванналарини сотиб олишимизда асқотди. Йиллар ўтиши билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш мақсадида яна бир қатор ускуналарни харид қилдик. Натижада маҳсулотларимиз турини ўнтага етказдик. Бугунги кунда корхонамизда сут, сметана, творог, бринза, пишлоқ, қатиқ, қаймоқ, сарёғ сингари харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарилаяпти.

Таъкидлаш жоизки, 2011 йили «Йил аёли» кўрик-танловининг мамлакат босқичида иштирок этган М.Тошева 2013 йилда Президентимиз соврини учун ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича совриндори бўлди.

Фаолият бошлаган йили жами 221 млн. 660 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган МЧЖ ўтган йили бу кўрсаткични 775 млн. 188 минг сўмга етказиб, 50 млн. сўм фойда олди. Корхона ишлаб чиқариш цехларига ҳар куни эрта тонгдан бошлаб тумандаги «Чинор», «Ислом», «Ғани бобо» сингари фермер хўжаликларидан, шунингдек, Охших, Хумдонак, Навработ қишлоқ фуқаролар йиғинлари ўрамидаги хонадонлардан 2,5-3 минг литргача янги соғиб олинган сут етказиб берилади.

Эътиборлиси, жойларда «Жондор чашмаси»нинг сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Хусусан, корхонанинг вилоятдаги барча шаҳар ва туманларда ўз мижозлари ва доимий истеъмолчилари бор. Умумий шохобчалар сони эса вилоят бўйича 100 дан ортиқ бўлиб, келгусида уларни янада кўпайтириш режалаштирилган. Аҳолининг кам таъминланган, эҳтиёжманд қатламлари вакилларини ижтимоий ҳимоялаш корхона жамоасининг доимий эътиборида.

Мамлакат Тошева «Тадбиркор аёл» уюшмасининг вилоятдаги икки минг нафарга яқин аъзосидан бири сифатида янгидан-янги истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиб, уларни ҳаётга татбиқ этишда ҳам фаоллик кўрсатмоқда.

— Жорий йил охиригача «Ҳамкорбанк»нинг вилоят бўлимидан 200 млн. сўмлик имтиёзли кредит олиш ниятимиз бор, — дейди у. — Асосий мақсадимиз ва келгусидаги ўй-режаларимиз маҳсулот тайёрлашни янада кўпайтириб, аҳоли бандлиги ва элимиз дастурхони тўкинлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишдан иборатдир.

### ▼ АНИҚ САВОЛГА

**— Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун керакли бинолар ва жиҳозларни давлат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар томонидан сайлов комиссиялари ихтиёрига берилишида муайян ҳақ ёки бошқа қандайдир шартлар талаб этилиши мумкинми?**

— Мазкур мақсадлар учун давлат органлари, ташкилотлар ўз тасарруфидаги мулкларни бепул бериб туришлари шарт. Бу норма Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуни 17-моддаси билан мустаҳкамлаб қўйилган.

### ▲ АНИҚ ЖАВОБ

## Ёшларни иш билан таъминлаш — долзарб масала

**Халқ депутатлари Касби туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида касб-ҳунар коллежларини битирган йигит-қизларни ишга жойлаштириш масаласи кўриб чиқилди**

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»

Тадбирда таъкидланганидек, жорий йилнинг ўтган даврида гуруҳ кўмагида янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларида жами 80 нафар касб-ҳунар коллежлари битирувчисининг бандлиги таъминланган. Бундан ташқари, йил бошидан буён фаолиятини йўлга қўйган 30 нафар тадбиркор томонидан 100 га яқин янги иш ўрни ташкил этилган. 20 нафардан зиёд тадбиркор турли масалаларда ёрдам сўраб, депутатлик гуруҳига мурожаат қилганида муаммоларнинг барчаси ижобий ҳал этилган. 2014 йилнинг 9 ойи мобайнида беш нафар раҳбарнинг эшитуви ташкил этилиб, доимий комиссиялар йиғилишига тўртта, тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатини кўзлаган ҳолда ўттиздан ортиқ масала бўйича сўровномалар киритилган.

Йиғилишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш борасида туманда олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз борди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврда 500 га яқин тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтказилгани, айни кунда ҳудудда жами 5442 та хусусий корхона фаолият кўрсатаётгани, энг муҳими, уларнинг 2774 таси тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётгани эътироф этилди. Мисол тариқасида тадбиркор Насрулло Худойбердиев раҳбарлик қилаётган «Юрт ризқи» масъулияти чекланган жамиятида сутни қайта ишлаш цехи юқори унум билан ишлатилиб келинаётгани, бу ерда ўттиз турдаги маҳсулот тайёрланаётгани, асосийси, МЧЖ 10 нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминлагани айтиб ўтилди.

Шакаржўйлик фермер Дилбар Кенжаева тикувчилик цехини ташкил этиб, 15 нафар коллеж битирувчисини ишга олган бўлса, Тўлқин Суяровга мевани қуритиш цехи ҳужжатларини тайёрлаш, банкдан кредит олишда ёрдам берилди. Хориждан технология келтириш масаласини деярли ҳал қилган тадбиркор айни пайтда корхона биносини қурмоқда. Лойиҳа бўйича бу ерда 20 нафар йигит-қизнинг бандлиги таъминланади.

Фермер Фарҳод Ғозиев ташландиқ бўлиб ётган бинони «ноль» қийматда олиб, уни замонавий қилиб таъмирлаш, жиҳозлаш ва ускуналар билан таъминлаш учун 160 миллион сўм миқдорида маблағ сарфлади. Йилига 40 минг донадан ортиқ турли кийим-кечак ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган цех қошида, шунингдек, моҳир усталар бошчилигида ёш қизларга тикувчилик, тўқувчилик, зардўзлик ва каштачилик сирларини ўргатадиган «Ўқув маркази» ташкил этилди.

Умуман олганда, касб-ҳунар коллежларини битираётган ёшлар учун янги иш ўринлари яратаётган тадбиркорлар сони йил сайин ортмоқда. Улар орасида партия лойиҳаларининг иштирокчилари бўлган коллеж битирувчилари ҳам борлиги қувонарли, албатта.



— Тумандаги касб-ҳунар коллежларини битираётган ёшларни тадбиркорликка йўналтириш олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир, — дейди халқ депутатлари Касби туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Валерий Самиев. — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизматлар ва сервис соҳасини, чорвачилик ва деҳқончиликни ривожлантириш учун молия муассасаларидан имтиёзли кредитлар ажратилиши диққат эътиборимизда. 10 нафар депутатдан иборат гуруҳимизнинг ҳар ойда ўтказилаётган йиғилишларида янги-янги ташаббуслар кўтариб чиқилаяпти.

Дарҳақиқат, ўтган даврда партия депутатлари томонидан бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. В.Самиевнинг ташаббуси ва ташкилотчилигида Қамаши қишлоғида беш километр масофада янги йўл қурилди. Нуробод маҳалласига газ тақсимлагич, ўндан ортиқ фермер хўжалиги экин майдонларини суғоришлари учун Миришкор каналига электр насоси ўрнатилди. Тумандаги мактаб ва коллеж ўқувчилари ўртасида ёш математиклар кичик олимпиадаси ташкил этилди.

Депутат Орифжон Йўлдошев хусусий автокорхонаси томонидан тумандаги Маймaноқ касб-ҳунар коллежининг 600 нафар талабасига кўрсатилаётган транспорт хизмати нархини эллик фоизга арзонлаштирди. Касб-ҳунар коллежини битирган ўн нафар талабани ишга олиб, 80 нафарига амалиёт ўташлари учун имконият яратиб берди.

Ўзи депутат этиб сайланган ҳудуддаги иккита мактабни оталиққа олган Фахриддин Турсунов билим масканларида иқтидорли ёшларни турли олимпиадалар, спорт мусобақаларида қатнашишлари учун молиявий кўмак бериб келмоқда.

Йиғилишда яқинлашиб келаётган сайловларга тайёргарлик кўриш ва юқори савияда ўтказишда кенгаш масъуллари ва партия фаоллари масъулиятини ошириш, тарғибот ишларини кучайтириш борасидаги вазифалар ҳам белгилаб олинди.

## Ҳоким журналистлар ҳузурида

**Миробод туман ҳокими Шарофиддин Қодиров оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашди**

**Рисолат МАДИЕВА,**
«XXI asr»

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуни ижросига бағишланган матбуот анжуманида туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилаётган эътибор, ишлаб чиқариш салоҳияти, инвестиция киритиш борасидаги имкониятлар, янги иш ўринлари яратиш, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш масалалари хусусида журналистларга ахборот берилди.

Қайд этилганидек, Тошкент шаҳрининг жанубий қисмида жойлашган мазкур туманнинг майдони 17,1 минг кв.км бўлиб,мавжуд 39 та маҳаллада 129, 2 минг нафар аҳоли истиқомат қилади.

Ишлаб чиқариш салоҳияти ҳақида сўз юритиларкан, йирик корхоналар 11 тани, қўшма корхоналар 520 та, кичик корхоналар сони 3602 тани ташкил этаётгани алоҳида таъкидланди. Шулардан «Ўзкимёфарм», «Фотон» каби акциядорлик жамиятлари, «Шарқ» матбаа компанияси, «Ўзтемирйўлмаштаъмир» ва «Тошэлектроаппарат» қўшма корхоналари ҳақида батафсил маълумот берилди.

— Жорий йилнинг ўтган ярмида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичи 55,4 фоизни ташкил этди, — деди Шарофиддин Қодиров. — Энг юқори ўсиш суръатлари енгил, озиқ-овқат саноати соҳаларида кузатилмоқда. Туман экспорт салоҳиятининг асосий қисми «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК таркибидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида «Миробод деҳқон бозори» ва унинг 3 та шохобчаси фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, туманда кўп қаватли уй-жойлар, улар атроф-ҳудудларини тартибга келтириш, ободонлаштириш ишларининг ижроси хусусида сўз юритилди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимларининг матбуот вакиллари билан юзма-юз мулоқотлари ечимини кутаётган кўплаб масалаларнинг ижобий ечим топишига замин яратяпти.

## Жўшқин дарё шамоли

**Бир неча йил муқаддам банкротликка учраган паррандачилик хўжалиги ўрнида O`zLiDeP кўмаги билан янги корхона фаолият бошлади. Унга яхши ният билан «Жўшқин дарё шамоли» дея ном қўйдилар**

**Темур АБДУРАҲМОНОВ,**
«XXI asr»

Одатда ҳар қандай катта ишга ҳам кимнингдир ташаббуси турткибўлади. Сўнгра ташаббус ўрнини таклиф эгаллайди ва ниҳоят, амалий ишга қўл урилади.

Янги ҳаётда ҳам худди шундай бўлди. Жорий йил аввалида O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Фермерлари кенгаши бош битими доирасида Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги Янги ҳаёт маҳалласида жойлашган «Чўлқувар замин келажаги сари» оилавий корхонасида ўтказилган давра суҳбатида мазкур корхона раҳбари Анвар Нўъмонов ҳудуддаги фаолияти тўхтаб қолган паррандачилик хўжалиги биносида хусусий корхона ташкил этилса, бир неча янги иш ўрни юзага келиши хусусида таклиф билдирганди. O`zLiDeP ҳамда Фермерлар кенгаши раҳбарияти тадбиркор ташаббусини ўрганиб, Мирзаобод тумани ҳокимлигига амалий таклиф билан чиққач, масала ижобий ҳал этилди. Бир неча йилдан буён тўхтаб ётган корхона ўрнида «Жўшқин дарё шамоли» МЧЖ ташкил этилиб, собиқ паррандачилик хўжалиги балансидаги мулк хусусий тадбиркорлик субъектига ноль қийматда ўтказиб берилди. Корхонани қайта тиклаш ташаббуси билан чиққан тадбиркор, O`zLiDeP фаоли Анвар Нўъмонов банкдан 1 млрд. сўм кредит олиб, мавжуд цехларни тўлиқ реконструкция қилди. Август ойидан бошлаб гўшт учун боқиладиган 3 минг дона бройлер товуқ парваришини йўлга қўйди. Орадан бир ой ўтгач эса 10 минг дона тухум йўналишидаги паррандага мўлжалланган иккинчи цехни ишга туширди. Корхонада ҳозирча 16 нафар маҳалла йигит-қизлари ишламоқда.

— Паррандачилик етти хазинанинг биридир, — дейди Янги ҳаёт МФЙ раиси А.Шавқиев. — Аммо ёнгинамиздаги ихтисослашган корхонанинг қайта оёққа турғазишнинг иложини тополмай юргандик. Ночор аҳволдаги хўжаликка янги ҳаёт бағишлашга амалий кўмак берган O`zLiDeP ҳамда Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раҳбариятига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Корхонамизнинг келажаги янада порлоқ. Тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, ишчи-хизматчилар сони 3-4 баробар кўпаяди. Маҳалламиз, унда истиқомат қилаётган 50 дан зиёд оила дастурхонига барака киради.

### ЭЪЛОН

## ОБЪЯВЛЕНИЕ

**Фондом финансирования подготовки проектной документации по инвестиционным проектам при Ассоциации банков Узбекистана проводится конкурсный отбор проектных идей субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства**

Отбор проектных идей и финансирование разработки по ним проектной документации (ТЭО, бизнес-план) осуществляется на конкурсной основе.

Конкурс проводится по следующим направлениям: создание новых производств, модернизация, техническое и технологическое обновление действующих производств в приоритетных отраслях промышленности.

К участию в конкурсном отборе допускаются идеи, обладающие инвестиционной привлекательностью и перспективной возможностью промышленного внедрения, а также идеи, предусматривающие увеличение объемов и улучшение качества производства продукции с использованием местного сырья и материалов, повышение производительности труда и др.

Участвовать в конкурсе могут юридические лица, предоставившие свои проектные идеи для подготовки проектной документации.

По наиболее перспективным и привлекательным инвестиционным проектам Фондом оказывается содействие в привлечение банковских кредитов для их финансирования.

Для участия в конкурсном отборе необходимо предоставить следующие документы:

Заявка (по форме);

Инвестиционное предложение (по форме);

Паспорт инвестиционного предложения (по форме).

Документы также принимаются в электронном виде.

Для подробной информации обращаться:
Тел: (+99871) 238-69-07, 238-69-08;
Web-site: www.ffpd.uz E-mail: pdf.fund@gmail.com
Фонд располагается в здании Межбанковского Центра финансовых услуг по адресу: г.Ташкент 100027, Шайхантахурский район, ул.А.Ходжаева,1.
Услуги лицензированы.

### СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

**«Газни ҳисобга олиш ускунасининг давлат метрология текширувидан ўтказиш муддати ўтиб кетгани аниқланганда газ таъминоти идораси ходимлари истеъмолчини тармоқдан узиб қўйиши мумкинми?**

Завқиддин СУЛТОНОВ, Кармана тумани, Уйрот ҚФЙ».

— Дарҳақиқат, шу пайтгача жойларда сиз таъкидлаган ҳолатлар қайд этилган. Аммо Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилган «Ўзстандарт» агентлиги ҳамда «Ўздавнефтгазназорат» инспекциясининг қўшма қарори бундай ҳолатларга барҳам берди.

Мазкур қарор билан тасдиқланган Низом талабларига кўра, газ таъминоти корхонаси ҳисоблагични даврий текширувдан ўтказишнинг амал қилиш муддати тугашидан ўттиз кун олдин истеъмолчини ёзма равишда огоҳлантиради. Ана шу муддатда истеъмолчи мазкур ускунани текширувдан ўтказиш учун ечишни сўраб, тегишли газ таъминоти корхонасига ариза билан мурожаат қилиши зарур. Ариза берилганидан сўнг беш иш куни ичида мутахассислар ускунадаги пломбани текшириб, улар бут бўлган тақдирда белгиланган тартибда далолатнома тузадилар. Ҳисоблагич ечиб олинганидан сўнг газ таъминоти корхонаси мутахассиси истеъмолчининг хоҳишига кўра, уни газ тармоғига улайди. Бундай ҳолатда фойдаланилган газ учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордаги тариф асосида тўлов амалга оширилади.

**Саволга Навоий Синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси мутахассиси Абдуазиз ХОЛОВ жавоб берди.**

### ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ!

*«Мутолаа инсонни билимдон қилади, суҳбат зукко бўлишга, ёзиб олиш одати эса аниқ бўлишга ёрдам беради».*

***Френсис БЕКОН.***

Кучли қуйи бўғиндан — кучли партияга

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2014-yil 16-oktabr, payshanba, 41 (569)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

*Ёшларни тадбиркорликка йўналтириш орқали бандлигини таъминлаш, навқирон авлод вакилларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда БПТлар алоҳида ўрин тутади. Хусусан, O`zLiDeP Касби туман кенгашида фаолият юритаётган қуйи бўғин томонидан ўтказилган йиғилишда ана шу долзарб масалалар муҳокама этилди. Бундай фаоллик бошланғич ташкилотларнинг партиянинг том маънодаги таянч нуқталари эканини намойиш этмоқда. Бинобарин, жиддий сиёсий имтиҳон — сайлов арафасида эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш, кўзга ташланган камчиликларни бартараф этиш, партия аъзоларининг масъулиятини янада ошириш ҳамиша диққат марказида бўлиши лозим.*



## Сўз ва иш бирлиги

**«Сирдарё автомобиль ўқув-ишлаб чиқариш комбинати» МЧЖ бошланғич партия ташкилотида O`zLiDeP Сирдарё туман кенгашининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференциясига делегатлар сайлашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди**

**Дилора ЭСОНОВА,**
«XXI asr»

Сўзга чиққан БПТ фаоллари қайд этганидек, амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақияти аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигига узвий боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боис таянч тузилма тарғибот тадбирларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан жорий йилда турли ташкилотлар билан ҳамкорликда ўнга яқин учрашув, жонли мулоқот ва давра суҳбати ташкил қилинди. Шу билан бирга жойлардаги айрим ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳал этилишига кўмаклашилди.

Тадбирда ўтган вақт мобайнида қўлга киритилган ана шундай ижобий натижалар таҳлил этилиши баробарида йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳам айтиб ўтилди. Сўнгра асосий масала — бўлажак конференцияга номзодлар танланди. Қизғин муҳокамалардан сўнг қуйи ташкилот раиси М.Абдушоҳидов ва унинг ўринбосари Ш.Рўзиев номзоди иштирокчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

— Туман кенгаши депутати Мурожон Абдушоҳидов ҳам ҳар томонлама муносиб номзод, — дея таъкидлади O`zLiDeP Сирдарё туман кенгаши раиси ўринбосари Б.Эргашев. — Унинг ташаббуси билан Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида қурилиб фойдаланишга топширилган мини-футбол майдони сирдарёлик ёшлар учун ажойиб совға бўлди. Мазкур спорт масканида ўн нафарга яқин ёш иш жойига эга бўлишди. Бошқача айтганда, у партиямизнинг сўзи билан иши бир сиёсий куч эканлиги амалда намоён этилишига улуш қўшмоқда.

# Ютуқлар — чегара эмас

**2587 нафар маслакдошни 98 та бошланғич партия ташкилотида бирлаштирган ҳолда фаолият олиб бораётган O`zLiDeP Зарафшон шаҳар кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ана шундай қарорга келинди**

**Мансур АСЛОНОВ,**
«XXI asr»

Тадбир давомида Бош қомусимизга киритилган ўзгартишлар, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг самарали ишлаши, қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятлари ўртасидаги ваколатлар тақсимоти мутаносиблигини таъминлаш, шунингдек, ижро этувчи органлар, кенг жамоатчилик ва парламент назорати масъулиятини кучайтириш ҳақида сўз борди. Айнан ана шу қўшимча ва ўзгартишлар сиёсий партиялар, уларнинг депутатлик гуруҳлари олдига катта вазифаларни қўйиши баробарида мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар муваффақияти, кучли демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, Ўзбекистонимизнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши жараёнида ҳам уларнинг ролини кескин ошириши айтиб ўтилди.

Ўз навбатида, O`zLiDeP дастурида белгиланган долзарб вазифаларни бажариш, партия Сайловолди платформасида илгари сурилган ғоя ва мақсадларни аҳоли қатламлари ўртасида кенг тарғиб-ташвиқ қилиш жараёнида шаҳар кенгашининг асосий диққат-эътибори ўнга яқин аниқ мақсад ва йўналишдаги тизимли лойиҳалар орқали муваффақиятли амалга оширишга қаратилаётгани таъкидланди. Жумладан, «Мулкдор оила», «Ишбилармон талаба», «Диплом билан — бизнесга», «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» сингари партиявий лойиҳаларда иштирок этган 50 нафарга яқин йигит-қиз ва аёлга 195 миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит олиш, шу тариқа салкам 100 та қўшимча иш ўрни вужудга келишига кўмаклашилди.

Бундан ташқари, шаҳар кенгаши томонидан берилган маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даври давомида O`zLiDeP электорати вакилларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, мамлакатда кечаётган сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган 108 та турли шаклдаги тадбирга 2200 нафардан кўпроқ тарафдор жалб этилган бўлса, ёшларнинг фуқаролик позициясини шакллантириш, уларнинг тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатларини ривожлантириш ва рағбатлантиришга бағишлаб ўтказилган 33 та давра суҳбати, учрашув, семинар-тренинг ва танловларда 1100 нафар навқирон авлод вакили қатнашди. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партиямиз депутатлик гуруҳлари томонидан эса тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарларига 15 та депутатлик сўрови юборилиб, 5 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилди.

### ▼ АНИҚ САВОЛГА

**— ОАВда яқинлашаётган сайловга бағишланган кўплаб чиқишлар берилаяпти. Уларни кузатиш асносида менда бир савол туғилди: туманга бўйсунадиган шаҳарларда, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманларда Халқ депутатлари кенгашлари ва тегишли кенгашларга сайлов ўтказувчи сайлов округлари тузиладими, депутатлар сайланадими?**

— Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуни 7-моддасида юқорида тилга олинган маъмурий бўлинишларда сайлов округлари тузилмаслиги, депутатлар сайланмаслиги баён этилган.

### ▲ АНИҚ ЖАВОБ

## Фаёзовга ишонч билдирилди

**O`zLiDeP Поп туман кенгаши партия дастурий ғоя ва мақсадларини тарғиб қилиш, белгиланган вазифаларни амалга оширишда ўз таркибидаги 57 та бошланғич ташкилотга суянмоқда. Жумладан, «Поплик чорвадор Эргашали» фермер хўжалигидаги қуйи бўғин энг фаол таянч тузилмалардан бири саналади. Яқинда мазкур БПТда ўтказилган умумий йиғилиш айни кунлардаги долзарб масалага — туман конференциясига делегат сайлашга бағишланди.**

**Қуйи бўғин етакчиси Сарвар Қирғизбоевнинг сўзларига қараганда, конференцияга вакил сифатида икки кишининг номзоди қўйилган. Аниқ, асосли фикрлар муҳокама қилинган, номзодларнинг амалий ишлари, шахсий фазилатлари қиёсланган мажлисдан сўнг иқтидорли партия фаоли, ёш мулкдор, «Ҳосил-неъмати» фермер хўжалиги раҳбари Эркинжон Фаёзов делегатликка лойиқ кўрилди.**

А.МУСУРМОНОВ.

## Учқудуқнинг Қулқудуғида

**ҳар қандай фаолиятда самарадорлик бош мезон эканлиги ҳеч кимга сир эмас**

— 1100 нафар маслакдошни бирлаштирган 42 та БПТ фаолиятини мувофиқлаштираётган O`zLiDeP Учқудуқ туман кенгашида ана шу қоидага қатъий амал қилинаётир, — дейди мазкур партия ташкилоти бош консультанти Гулжамол Ахметова. — Туман ҳокимлиги, «Оила» маркази, «Қизил яримой» жамияти, «Ҳунарманд» уюшмаси сингари ҳамкорларимиз билан партиявий вазифаларни тақсимлаб, уюштирилажак ҳар бир тадбирга пухта тайёргарлик кўраяпмиз.

Дарҳақиқат, яқинда туман ҳудудидаги Қулқудуқ овулида ўтказилган «Қишлоқ тараққиёти – юрт фаровонлиги» мавзусидаги давра суҳбати таъсирчанлиги боис жамоатчиликка маъқул бўлганлигини таъкидлаш лозим. Унда, жумладан, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, айниқса, аҳолиси сийрак ҳудудларда оилавий бизнесни ривожлантириш орқали қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш, ҳунармандчилик маҳсулотлари тайёрлаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган амалий ишлар хусусида сўз юритилди. Аҳамиятлиси, O`zLiDeP туман кенгаши томонидан хусусий секторни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳунармандчиликни рағбатлантиришга қаратилган тадбирлар натижасида маслакдошларимиз сони тобора ортаётир. Айни кунда 100 нафар тадбиркор, 38 нафар фермер ва 40 нафардан зиёд ҳунарманд сафдошларимиз партия ғоя ва мақсадларини тарғиб қилишда фаоллик кўрсатишаётир.

## ДИЛДАГИ ГАПЛАР



**— Анчадан буён O`zLiDePга аъзо бўлишни ният қилиб юргандим. Партия фаолларининг таклифи бу ниятни рўёбга чиқарди. Ўтган давр мобайнида тадбиркорлик ва фермерлик билан шуғулланишни истаган ёшлар иштирокида ўтказилган давра суҳбатларида қатнашдим, ўз олдига катта мақсадларни қўйган йигит-қизларга тажрибамдан келиб чиққан ҳолда тавсиялар бердим. Бундан ташқари, партия ташаббуси билан ёшлар орасида турли иллатлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган тадбирларда бевосита қатнашиб, уларни спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга чорладим. Маълумки, йирик мусобақаларда яхши натижаларга эришишни ният қилган ҳар қандай спортчи мураббийи томонидан белгиланган машқ ва юкламаларни вақтида бажариб, ўзини беллашувларга техник, услубий ва руҳий жиҳатдан тайёрлай олсагина, совринли ўринларни эгаллайди. Фикримча, O`zLiDeP аъзолари ҳам бўлажак сайловга ҳар томонлама пухта тараддуд кўрсаларгина беш йил аввалгидек салмоқли натижаларни қўлга киритадилар.**

**Дарвоқе, мен партия нашри —**

**«XXI ASR» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛДИМ. СИЗ-ЧИ?**

Камол МУРОДОВ, кураш ва дзюдо бўйича халқаро мусобақалар ғолиби, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби.

## ИЖТИМОИЙ ЭЪЛОН

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ! «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА»

**Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди журналистлар ўртасида «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзуидаги ижодий танловни эълон қилади**

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида ўтказилади.

Танлов шартлари

Танловга **2014** йилнинг **1** январидан **1** декабрига қадар республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва босма нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

Танлов ғолибларига мукофотлар

Ғолиблар диплом ва қимматли совғалар (телевизор, ноутбук, планшет) билан тақдирланади.

Материаллар «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзуидаги ижодий танловга» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига **2014** йил **10** декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри — **100129**, Навоий кўчаси, **30**-уй, **3**-қават, **5**-хона. Телефон/факс: **244-14-28**, **244-12-51**,www.mmf.uz, e-mail: fonduz@umail.uz, mmf.uz@mail.ru.

Ташкилий қўмита

## «Малишояк»дан ҳам вакиллар сайланди

**Пешку туманидаги «Малишояк» МФЙ ҳудудида фаолият кўрсатаётган O`zLiDeP бошланғич ташкилоти умумий йиғилишида жорий йилнинг 9 ойи давомида партиявий йўналишда амалга оширилган ишлар таҳлил этилди ҳамда туман конференциясига делегатлар сайлади. Тарғибот-ташвиқот ишларининг аҳоли истиқомат жойлари, корхоналар ва ўқув муассасаларида жонланганлиги, долзарб мавзулардаги давра суҳбатлари, семинар-тренинг ва бошқа тадбирларнинг мунтазам ўтказиб келинаётганлиги партия сафларининг тобора кенгайишида, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожланишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Туманда 2004 йил бошида 1087 нафар маслакдошни ўз атрофига бирлаштирган 42 та БПТ фаолият кўрсаттан бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткичлар мос равишда 1182 ва 54 тани ташкил этмоқда. Пешқадам қуйи бўғинлар сафида «Малишояк»лик партия аъзолари жипслашган БПТ ҳам бор. Ҳозир бу ерда 63 нафар O`zLiDeP аъзоси фаолият кўрсатяпти. Йил бошидан буён улар сони 13 нафарга кўпайгани эътиборга лойиқ.**

А.ИСТАМОВ.

«XXI ASR» 2014-yil 16-oktabr, payshanba, 41 (569)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

# 2014 йил — «СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ»

## Касалликка чалинмаслик ўзимизга боғлиқ

**Эртасини ўйлаган халқ биринчи навбатда фарзандлари саломатлигига эътибор қаратади. Уларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши ҳақида қайғуради**

Шу маънода «Соғлом бола йили» Давлат дастури ва Президентимизнинг «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида»ги қарори асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юртимизда оналар ва болалар саломатлиғини мустаҳкамлаш, эпидемиологик ҳолат барқарорлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз миқёсида юқумли касалликларга қарши эмлашнинг миллий тақвимига биноан барча болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, эмланмоқда. Натижада қоқшол, дифтерия, полиомиелит каби хасталикларнинг олди олиниб, сариқ, қизамиқ, қизилча, кўкйўтал, тепки каби юқумли касалликлар билан чалиниш ҳолатлари кескин камайди. Шунингдек, келажакда пневмакокк, инсон папилломаси вируси каби инфекцияларга қарши икки хил янги вакцина билан босқичма-босқич эмлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган, бу эса ўз навбатида, юқумли ва онкологик касалликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

— Поликлиникамиз 20 минг нафардан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади, — дейди пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани Марказий кўп тармоқли поликлиникаси иммунологи Саида Юсупова. — Айниқса, болалар ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Аҳамиятлиси, ота-оналар фарзандлари саломатлигига жиддий эътибор қарата бошладилар. Хоҳ пулли, хоҳ бепул бўлсин болаларини эмлатишга ҳаракат қилишяпти. Ана шу биргина мисолнинг ўзиёқ аҳоли ўртасида тиббий маданият юксалаётганини билдириб турибди. Ўзбекчасига айтганда, касални даволагандан кўра унинг олдини олган афзал, деган ақидага амал қилишмоқда. Лекин шунга қарамай, болаларда тез-тез учраб турадиган хасталик — сариқ (гепатит А) касаллиги ҳамда унинг олдини олишга доир тавсияларни эслатиб ўтишни лозим.

Гепатит А жигарни шикастловчи вирус орқали юзага келади. Бу хасталик дастлаб яширин кечади ва ўртача 35 кундан сўнг аломатлари аён бўла бошлайди. Иштаҳа йўқолиб, кўнгил айнийди, уйқучан бўлиб қолади. Пешоб ва ахлатнинг ранги ўзгаради. Хасталикнинг яширин даврида нафас йўлларининг яллиғланиши, ич кетиши ёки грипп ва ўткир респиратор вирусли инфекциялар юзага келади.

Касалликка чалинишнинг асосий сабаблари қўлни ювмасдан овқатланиш, қайнатилмаган сув ичишдир. Шунингдек, мактабгача таълим муассасалари ҳамда мактабларда ўзаро мулоқот жараёнида ҳам юқтириб олиш мумкин.

Гепатит А бошқа турдаги хасталиклардан фарқли ўлароқ, организмдан тезда чиқиб кетади, яъни сурункали давом этмайди. Аммо бунинг учун бемор олти ой давомида парҳезга амал қилиши, қайнатилган ва буғда пиширилган таомларни истеъмол қилиб, кўпроқ суюқлик ичиши керак.

**Ўз мухбиримиз.**

## Оналик бахти ва масъулияти

**Ёшлар — келажагимиз. Уларнинг ҳар томонлама етук, баркамол инсон бўлиб улғайишида жамиятнинг роли катта. Бироқ кўзимиз қароғи саналадиган фарзандларимизнинг соғлом туғилиши асосан оналарга боғлиқдир**



Солиҳ ЗОИР олган сурат

Ҳозирги кунда айрим аёллар ўртасида турли вирусли касалликлар учраб туришини биламиз. Бунга, аввало, уларнинг ўз саломатлигига бефарқлиги сабаб бўлаётир. Оналарнинг бундай лоқайдлиги қимматга тушаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас: бола ё нуқсон билан туғилади ёки ҳомила она қорнидаёқ нобуд бўлади. Ана шулар хусусида кенгроқ маълумот олиш учун Тошкент тиббиёт академияси олий тоифали акушер-гинекологи, тиббиёт фанлари номзоди Гулмира Аҳмедовага мурожаат этдик.

**— Шубхасиз. хар бир ота-она ўз дилбандининг соғлом. бенуксон туғилишини истайди. Аммо бунга эришиш осон эмас. Баркамол фарзандни дунёга келтириш учун оналар нималарга эътибор каратиши лозим?**

— Она билан бола — гул билан лола, дейди халқимиз. Бунинг замирида катта ҳикмат бор. Аёлнинг бир қўли бешикни, бир қўли дунёни тебратади. Шу боис мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигига давлат даражасида эътибор қаратилмоқда. Жойлардаги перинатал, скрининг, репродуктив саломатлик марказлари фаолияти тобора такомиллаштирилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Бундан кўзланган асосий мақсад туғруқ ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, ёш оналар саломатлигини қатъий назорат қилиш, соғлом фарзандларни дунёга келтиришдан иборатдир. Туғруқ ёшидаги аёл, аввалambор, оналик масъулиятини тўла ҳис этиши, танасида кечаётган жараёнларга бефарқ бўлмаслиги, овқатланиш режимига қатъий риоя қилиши лозим.

Тўғри, ҳомиланинг она қорнида нобуд бўлиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бунинг муайян сабаблари бор. Жумладан турли вирусли хасталиклар, буйрак, камқонлик, ирсий касалликлар ҳомилага зиён етказиши тажрибада исботланган. Шунинг учун ҳам фарзанд кутаётган аёллар ўз саломатликлари ҳақида астойдил қайғурсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ ҳам ҳомиланинг соғлом ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай никоҳ оқибатида туғиладиган чақалоқларда кўпинча ногиронлик ҳолатлари қайд этилади.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида махсус скрининг марказлари ташкил этилган. Таассуфки, айрим оналар ҳомила ривожи ва ҳомиладорлик билан боғлиқ хасталикларни аниқлашга ихтисослаштирилган ушбу марказлар хизматидан фойдаланишмайди. Оқибатда ўзларига жабр қилишади.

Камқонлик ҳолатларида қонда эритроцит ва гемоглобин миқдори камайиб кетиши тажрибадан яхши маълум. Натижада аёл тез чарчайди, дармонсизланади. Ҳомила учун зарур кислород ва озиқ моддалар етишмайди. Шу боис ҳомиладор аёллар ва бўлажак оналар таркиби темир моддаси ва оқсилларга бой бўлган мол гўшти, жигар, тухум, сабзи, ёнғоқ истеъмол қилиб туришлари мақсадга мувофиқдир.

Кўпчилик ҳомиладор оналарда буйрак хасталиги ҳолатлари кузатилади. Ёшликдан соғлиққа бефарқлик, енгил-елпи кийиниб юриш, нотўғри овқатланиш, шўр ёки аччиқ нарсаларни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш ана шундай оқибатларга олиб келиши мумкин. Буйрак шамоллаши сабабли йўлдошда қон айланиши бузилгудек бўлса, ҳомиладор аёлнинг қон босими ошиши, ҳомила ўсмай қолиши, бачадон ичида инфекция юзага келиши, болалар нимжон бўлиб туғилиши эҳтимолдан холи эмас.

**— Хозирги кунда айрим аёллар. колаверса. балоғат ёшидаги кизларда хам миома хасталиги кузатилаяпти. Сизнингча. бунинг сабаблари нимада? Умуман. дардман аёлларга туғиш тавсия этиладими?**

— Тадқиқотларга кўра, кейинги пайтда 25-45 ёшдаги хотин-қизлар бачадонида миома пайдо бўлиши ҳолатлари кузатилмоқда. Аёллар ва қизлар организмидаги гормонал ўзгаришлар, дейлик, қизларда ҳайз жараёнининг бузилиши, жинсий аъзолар шамоллаши, аёлларда эса кўп туғиш, аборт қилдириш, камқонлик, наслий омиллар миома хасталигига сабаб бўлаяпти.

Миоманинг ўлчамлари асоратланмаган, тиббий таҳлиллар давомида ёндош касалликлар учрамаган ҳолларда даволанишдан сўнг туғишга рухсат этилади. Аммо бундай хасталик билан оғриган аёллар мунтазам равишда шифокор назоратида бўлишлари лозим.

**— Келажагимиз ворисларини дунёга келтирувчи бўлғуси оналарга тавсияларингиз.**

— Она бўлиш — катта бахт. Ана шу ёшдаги келинчаклар, ҳомиладор опа-сингилларимизга, аввалambор, ўз соғлиқлари ҳақида жиддий қайғуриб, уни астойдил асрашларини маслаҳат берган бўлардим. Аёл киши ҳомиладорликда иссиқ-совуққа тоқат қилолмайди. Бунинг оқибатида шамоллаш, грипп каби касалликлар келиб чиқади. Агар вақтида даволанилмаса, танага тушган вирус ҳомилага ўтиб, уни зарарлайди. Бу эса боланинг нуқсон билан туғилиши ёки она қорнидаёқ нобуд бўлишига олиб келиши мумкин. Шу боис барча оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларида она ва бола соғлиғи доимий назорат қилиб борилади. Улар учун алоҳида шифокорлар бириктирилган. Ана шу имкониятдан ўринли фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Қолаверса, юқорида таъкидланганидек, соғлом болани дунёга келтириш ҳамда унинг бекаму кўст униб-ўсишини таъминлаш учун оналаримиз тўғри овқатланиш меъёрига қатъий амал қилишлари жуда муҳимдир.

**Дилноза НОМОЗОВА суҳбатлашди.**

### МУТАХАССИС ФИКРИ



## Сув чарчоқни олади

**«Бола жисмонан ривожланиши учун уни тўғри овқатлантириш зарурлиги барчамизга маълум. Ўз навбатида ўғил-қизларимизнинг ақлий ривожланишида зарур маҳсулотлар истеъмоли хусусида мутахассисларнинг фикрларини берсангиз.**

Ойниса МАҲКАМОВА, Тошкент шаҳри».

— Кичкинтойларимиз жисмонан ва ақлан соғлом вояга етиши учун улар хилма-хил овқат тановвул қилиши лозим, — дейди тиббиёт фанлари номзоди Зуҳра Қобулова. — Хусусан, бола гўшт маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилиши даркор. Зеро, бу оқсил манбаидир. Оқсил эса организмдаги гормонлар, ферментлар ва антижисмларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутади. Оқсил, шунингдек, ўсаётган бола организмини цинк моддаси билан таъминлайди. Агар болада цинк етишмовчилиги бўлса, у грипп касаллигига кўп чалинади, секин ўсади, иштаҳаси паст бўлади, хотираси яхши ривожланмайди.

Фарзандларимизга ёғларнинг фойдалисини едирганимиз маъқул. Масалан, «Омега-3» ёғи боланинг мия ривожланиши ҳамда кўриш қобилиятига ижобий таъсир кўрсатади. Бу ёғ данак ва уруғларда, жумладан, зайтунда мавжуд.

Кальций боланинг саломатлиги учун ниҳоятда муҳим минерал ҳисобланиши кўпчиликка маълум. Асосан сут маҳсулотларида бўлган кальций суякларнинг тўғри ўсиши, организмнинг қон билан таъминланиши учун жуда керак. Организмда кальций етишмовчилиги мавжуд болаларнинг асабий, бир жойда ўтира олмай, фикри тарқоқ бўлишига олиб келади.

Болалар, шунингдек, кўплаб витамин ва микроэлементларга бой бўлган мева-сабзавотларни ҳам истеъмол қилиши керак. Мактаб ёшидаги болага ҳар куни 3-4 хилдаги мева-сабзавотларни танаввул қилиш тавсия этилади.

Сувнинг аҳамияти ҳақида ҳам унутманг. Сув чарчоқни олади, организмни озуқа моддалар билан таъминлайди, тана ҳароратини назорат қилади, шиллиқ аъзоларни намлаб, баъзи бактериялардан ҳимоя қилади. Шунинг учун ҳам бола сўрамаган ҳолда ҳам унга мунтазам равишда сув ичириб туриш керак.

**Фахриддин НУРАЛИЕВ тайёрлади.**

## Шиддаткор замонга мос шижоат

**Бугун замонавий телекоммуникация тизими шиддат билан ривож топиб, ҳаётимизга тезкорлик бахш этаётган ахборот технологиялари ҳамда интернет имкониятлари ҳар биримизни ҳар дақиқа фаол бўлишга ундамоқда**

**Асилбек ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Навоий вилоят минтақавий филиали хузуридаги O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси

> **Ҳозирги тўкин ҳаёт, фаровон турмуш ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган, албатта. Бу йўлда катта қийинчиликлар бўлганлигини ёши катта авлод яхши билади. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарида шу хусусида батафсил маълумот берилган.**

Зеро, айни пайтда дунёнинг қай бир бурчагида содир бўлган воқеа-ҳодисадан саноқли лаҳзаларда хабар топамиз. Шунинг баробарида юртимизда кечаётган туб иқтисодий ислоҳотлар, мамлакатни модернизациялаш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида қўлга киритилаётган оламшумул ютуқларимизни дўстларимиз қаторида бизга хайрихоҳ бўлмаган кучлар ҳам кузатиб турганлигини асло унутмаслигимиз лозим.

Ҳозирги тўкин ҳаёт, фаровон турмуш ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган, албатта. Бу йўлда катта қийинчиликлар бўлганлигини ёши катта авлод яхши билади. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарида шу хусусида батафсил маълумот берилган.

Банкимиз жамоасининг асосини ёшлар ташкил этиши ва уларнинг кўпчилиги истиқлол йилларида ўсиб-улғайганлигини ҳисобга олган ҳолда қуйи ташкилотимизнинг навбатдаги йиғилишини O`zLiDeP Навоий шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда айнан ана шу асарни чуқур ўрганишга бағишладик. Зеро, келажагимиз ворислари бўлган ёшлар онгига уларнинг бахтли ҳаёти, фаровон турмуши ва нурли келажаги учун ҳеч нарсани аямаётган Ватанни севиш, ардоқлаш, юрт фаровонлиги, мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш учун ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаол фуқаролик позицияларда туриб, жонкуярлик қилиш истагини сингдириш ҳам партиямизнинг бош ғояларидан саналади.

«Ягонасан, мустақил Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» ғояси остидаги туркум тадбирлар доирасида «Шу азиз Ватан барчамизники», «O`zLiDeP — Истиқлол фарзанди» мавзуларидаги очиқ мулоқотларни уюштириш, шунингдек, «Турон» маҳалласи ҳудудидаги кам таъминланган оилалар фарзандлари ва Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини қўллаб-қувватлашда Фурқат Рўзиев, Ҳусен Амонов, Олим Боқиев, Хушнуд Худойбердиев сингари сафдошларимиз ташаббускорлик кўрсатишди.

Қувонарли жиҳати шундаки, маслакдошларимизнинг хайрли ишларда кўрсатаётган намунаси боис жамоадаги кўплаб ёшлар сафимизга қўшилишмоқда. Ана шундай ёшлардан бир гуруҳига партия аъзолик гувоҳномаларини тантанали равишда топширганлигимиз ҳам, ўйлайманки, уларни мамлакатимизда кечаётган демократик янгиланиш жараёнларининг янада фаол иштирокчиси бўлишга ундайди. Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти барпо этишдек мақсад сари олға боришда жамоадаги 30 нафар сафдошимиз билан бирга O`zLiDeP ғоя ва мақсадларини янада кенгроқ тарғиб-ташвиқ қилиш орқали муносиб ҳисса қўшамиз.

## Кўркам мажмуа

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Андижон вилоятида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина тиббиёт соҳасини ривожлантириш, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола соғлиғини асраш каби мақсадларда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги 10 та тиббиёт муассасасида қурилиш-реконструкция ишлари бажарилди. Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Гулнорахон Абдуллаеванинг таъкидлашича, бунинг учун давлат бюджети ҳисобидан 35 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган. Жумладан, яқинда вилоят марказидаги 1-туғруқ комплексида капитал реконструкция ишлари ниҳоясига етказилди. 3,3 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари натижасида 3 қаватли янги бино фойдаланишга топширилди.

— Комплексимиз замонавий талаблар, санитария меъёрларига тўлиқ жавоб беради, — дейди 1-туғруқ бўлими акушери Тоҳирахон Назарова. —Асбоб-ускуналар ҳам энг сўнгги русумдагиси. Хоналар кенг ва ёруғ. Оналар ва чақалоқлар ётоқ жойларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бундай ғамхўрликлардан барча миннатдор.

**Аҳрoржон МУСУРМОНОВ.**

## Билим олиш жой танламайди...

Маълумки, мактаб — дунёни кўришни ўргатувчи, янгиликлар оламига етакловчи маскан. Ҳаммамиз таълим олган ушбу билим даргоҳлари зиё тарқатиш учун аслида жой танламаслигини қуйида келтирилган «ғаройиб мактаблар»дан ҳам билиб олишингиз мумкин.

Ўтган асрнинг 70-йилларида АҚШдаги инқироз туфайли энергия тежаш долзарб масалага айланган. Шунда Рестон шаҳарчаси аҳолиси иложсиз вазиятлар бўлмаслигини исботлаб, ер остида Террасет мактабини барпо этишади ва унинг ҳақиқатан ҳам ўз тафти билан исита олишига амин бўлишади. Ҳозирги кунда архитекторлар топқирлиги ҳисобланган ушбу мактаб ўқувчиларини «ер ости болалари» ҳам дейишади.

Камбоджадаги Компонг Луонг (сув устидаги қишлоқ) эса нафақат сайёҳларнинг севимли маскани, балки ўзида мактабни ҳам мужассамлаштирган яшаш жойи сифатида ном чиқарган. Бу ерда таълим олаётган болаларнинг кўпчилиги етим бўлиб, улар нафақат билим олиш, балки сайёҳлар учун бежирим буюмлар ясаш орқали кун кечиради. Улар эса, ўз навбатида, турли ширинлик, суратлар тақдим этиб, дўстлашиб олган болаларга байрамларда табрик хатлари юборишни эсдан чиқаришмайди.

**Д.ҲАБИБОВА тайёрлади.**

### ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ!

*«Ватанни унинг улканлиги учун эмас, балки ўзлариники эканлиги учун севадилар».*

*СЕНЕКА.*

# РЕКЛАМА ЎРНИДА

## Тараққиёт таянчи, тадбиркорнинг суянчи

**Бугун юртимизда амалга оширилаётган туб янгиланишлар, шубҳасиз, иқтисодий ва молиявий соҳадаги ислоҳотлар билан чамбарчас боғлиқдир. Интилиш ва изланиш самарасини банк муассасалари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, «Агробанк» акциядорлик-тижорат банкининг Хоразм вилоят бошқармаси молия бозорида ўз ўрни ва мавқеини тобора мустаҳкамламоқда. Бунга асосан мижозларига кўрсатаётган хизматлар сифатини ва маданиятини ошириш орқали эришмоқда**

AGROBANK

**Шаҳзод НАЗАРОВ,**
«XXI asr»



Бошқарма 12 та филиали, 41 мини-банки ва 15 та махсус касса орқали турли соҳада фаолият юритаётган барча мулкчилик шаклидаги 17428 та мижозга намунали хизмат кўрсатмоқда.

Шунга мутаносиб равишда банкнинг кредит қўйилмалари миқдори ҳам йилдан-йилга кўпайиб бораётир. Хусусан, жорий йилнинг сентябрь ҳолатига банк кредит қўйилмаси 145,6 миллиард сўмни ташкил этди. Ана шу маблағларнинг 87,7 миллиард сўми қишлоқ хўжалиги, 16,7 миллиарди моддий-техник таъминот, 21,5 миллиард сўми савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси, 7 миллиард сўми саноат ва 12,7 миллиард сўми бошқа соҳалар ҳиссасига тўғри келмоқда. Энг асосийси, мазкур маблағлар ҳисобига вилоятда минглаб янги иш ўринлари яратилаётир. Шу билан бир қаторда маҳаллий ишлаб чиқариш суръати ошиб, бозор пештахталари ўзимизда тайёрланган маҳсулотлар билан бойиб бормоқда.

Албатта, ушбу хайрли ишларда «Агробанк» Хоразм вилоят бошқармасининг туман филиаллари ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, мақсадли йўналтирилган кредит маблағлари эвазига пахта тозалаш корхоналарида паррандачилик комплекси ишга туширилди. Эътиборлиси, ҳар бир корхона негизида 4-5 минг бош парранда боқиляпти. Бунинг натижаси ўлароқ, етиштирилган маҳсулот ҳудуддаги аҳолини арзон нархларда тухум ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат қилаётир.

— Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Ана шундай имтиёзлар айниқса банк тизимида яққол кўзга ташланади, — дейди банкнинг Хонқа филиали мижози, «Лайло Нафиса» хусусий корхонаси раҳбари Нураддин Нурметов. — Биз болалар учун спорт комплексини ташкил қилиш мақсадида 72 млн. сўм кредит олдик. Молия муассасасининг кўмаги ва қулай ишбилармонлик муҳити яратилганлиги туфайли ишимиз қисқа фурсатда ривож топди. Айни пайтда замонавий спорт мажмуаси ёшлар билан гавжум. Келгусида банк билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, фаолиятимизни кенгайтириш ниятидамиз.

Маълумки, бугун дунёда сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Шу боис «Агробанк»нинг Хоразмдаги бошқармаси томонидан озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Янгиариқ туманида фаолият олиб бораётган «Янги сут нон» МЧЖ ҳам банк кўмагида катта ишга қўл урди. Сутни қайта ишлаш жиҳозлари сотиб олиш мақсадида 45 млн. сўм кредит маблағи йўналтирилди. Корхонанинг келгусидаги режалари йилига 6 тонна сут ва сут маҳсулотлари етиштиришдир. Шу боис маҳсулот сифатини яхшилаш, турини янада кўпайтириш бўйича тинимсиз иш олиб борилаётир.

Кўринадики, банк жамоаси Президентимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармони талаблари ижросига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Хусусан, ушбу ҳужжатга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва шу орқали миллий иқтисодиётни ривожлантириш муҳим масала сифатида белгилаб олинди. Бундан ташқари, ушбу фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли даромадларини ошириш ва янги иш ўринлари яратиш имкониятини бераётганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Банк жамоаси қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тармоқни техник ва технологик модернизациялаш, фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда ҳам изчил иш олиб бормоқда. Бу борада Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрда имзоланган «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони дустуриламал бўлаётир. Бу йил вилоят «Агробанк» бошқармаси жамоаси янги ташаббус билан чиқиб, қарийб 20 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазди.

— Замонавий фермер ер эгаси бўлибгина қолмай, тадбиркор ҳамдир, — дейди «Беруний элита» фермер хўжалиги раҳбари Равшан Каримов. — Юртимизда соҳага алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли фермерлик ҳаракати, айниқса, қишлоқ хўжалигининг чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик, иссиқхона хўжалиги, интенсив боғдорчилик сингари тармоқлари ривожланиб бормоқда.

Қисқа қилиб айтганда, «Агробанк»нинг Хорзам вилоят бошқармаси жамоаси хизмат сифати ва маданиятини ошириш, тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, оилавий бизнесни равнақ топтириш, янги иш ўринлари яратиш, Давлат дастурларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, умуман, вилоят иқтисодиётини ривожлантириш йўлида барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Бу ҳаракатлар қандай самара бераётганлигини эса юқоридаги фикрлар ҳам тасдиқлаб турибди.

## Ишбилармонларнинг ишончини оқлаймиз

**Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори соҳа вакиллари фаолиятини янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда**

**Жахонгир МАҚСУДОВ,**
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Самарқанд вилоят филиали раҳбари



Зеро, айнан ана шу ҳужжатга мувофиқ ташкил этилган жамғармамиз маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларнинг ташқи бозорга чиқиш имкониятини янада кенгайтирди. Масалан, ўтган вақт мобайнида жамғарманинг Самарқанд вилоят филиали томонидан экспорт салоҳиятига эга бўлган мингдан ортиқ корхона фаолияти тизимли равишда таҳлил қилинди. Бунда тадбиркорларнинг келажакда қандай лойиҳаларни амалга ошириши мумкинлиги, маҳсулотларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлик даражаси, тижорат таклифларининг нечоғли самарали эканлиги каби омилларга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада 84 нафар тадбиркор 2014 йилнинг январь-август ойларида жамғарманинг вилоят филиали кўмагида жами 95 млн. АҚШ долларига тенг маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишга эришди.

Умуман олганда, филиал экспорт билан шуғулланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига нафақат чет элдан мижоз топиш, балки шартномаларни тайёрлаш ва тузиш, экспорт операцияларини амалга ошириш, ишбилармонларни эҳтимол тутилган хавф-хатарлардан ишончли ҳимоялаш, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги бўйича талаб этиладиган зарур лицензиялар, сертификатлар ҳамда бошқа рухсатнома ва йиғимларни олиш ва тўлашда яқин кўмакдош бўлмоқда.

## Ҳаракатда баракат

**Мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари экспортини қўллаб-қувватлашга бағишланган бу галги ҳикоямиз Навоий вилоятидаги тадбиркорларнинг ҳар қарич ери олтинга тенг, ҳар сиқим тупроғи зар замин бойликларини ўзлаштириб, мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси хусусида кечади**

**Мансур АСЛОНОВ,**
«XXI asr»



— Вилоят ҳудудида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида фаолият кўрсатаётган 561 та тадбиркорлик субъектининг 33 таси экспорт салоҳиятига эга, — дейди Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Навоий филиали директори Илҳом Темиров. — Жамғарма томонидан кўрсатилаётган кўмак туфайли айни кунда уларнинг 24 тасида маҳсулот ва хизматлар экспорти самарали амалга оширилаётир.

Ўзининг сифатли маҳсулотлари билан хорижлик мижозлар ишончини қозонаётган бундай корхоналар сони тобора ортиб бораётганлиги, энг аввало, Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва тадбиркорликни жадал ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани, имтиёз ва преференциялар берилаётгани натижасидир.

Таҳлилчиларнинг таъкидлашича, жорий йилнинг биринчи чораги якуни билан вилоят бўйича 19 та тадбиркорлик субъекти ўз маҳсулотини экспортга чиқарган бўлса, иккинчи чоракда улар сони 21, учинчи чоракда эса 24 тага етган. Агар ўтган йили ушбу субъектлар томонидан саноқли турдаги, яъни асосан гипскартон листлари, мармар, гипс ва оҳак сингари маҳсулотлар хорижга чиқарилган бўлса, бугунга келиб улар қатори бентонит кукуни, смала ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашё, техник мой, фосфорит уни, енгил автомобиллар учун генератор ҳамда эҳтиёт қисмлар ҳисобига кенгайиб бормоқда. Шу ўринда жамғарманинг вилоят экспорт салоҳиятини таҳлил қилиш, ташқи бозорларда қандай маҳсулот ва хизматларга эҳтиёж борлигини аниқлаш мақсадида маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, халқаро тендер савдолари, кўргазма ва ярмаркаларда тадбиркорлик субъектлари иштирокини ташкиллаштириш баробарида кичик бизнес субъектларида юзага келган масалаларни ўрганиб, уларни бартараф этиш борасидаги кенг қамровли фаолиятини таъкидлаш жоиз. Масалан, жамғарма кўмаги билан чет элдан ҳамкор топган Нурота туманидаги «MEL MAHSULOTLARI» МЧЖ қўшимча равишда 130 минг долларлик мармар экспорт қилиш имкониятига эга бўлди. Корхонага божхона ҳужжатларини расмийлаштиришда амалий ёрдам берилди.

Биргина сентябрь ойида жамғармага тушган 4 та тижорат таклифининг 2 таси вақтида ижобий якун топди. Натижада ўтган қисқа фурсатда «Зарафшон овози» МЧЖ 6,46 минг, «Zarafshon Izvest» МЧЖ 98,86 минг долларлик маҳсулотини хорижий харидорларга етказиб берди. «ISHONCY GILAM» МЧЖнинг тижорат таклифи асосида Россия Федерацияси ҳамда Қозоғистон Республикасида трикотаж маҳсулотларига эҳтиёж мавжудлиги аниқланди. «ISHONCY GILAM» МЧЖ ҳамда «Эрудит плюс» ИЧСКда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бўйича тижорат таклифлари тайёрланиб, МҲДга аъзо мамлакатлар ҳудудига реклама тарқатувчи www.all.biz, www.teclot.com интернет сайтларига жойлаштирилди. Жамғарма томонидан экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини ўрганиш жараёнида аниқланган «NAVOIY EVRO-RUBEROID» ҳамда «Навоий Эсперанто» МЧЖлардаги газ таъминоти билан боғлиқ муаммоларнинг мутасадди ташкилотлар билан жойида ижобий ҳал этилганлиги ҳам ушбу корхоналар фаолиятини яхшилаш, имзоланган халқаро шартнома шартлари ўз вақтида бажарилишига замин яратганини айтиб ўтиш зарур.

Маълумки, сифатли маҳсулот — корхонанинг экспорт салоҳиятини оширишнинг бирдан-бир омили саналади. Навоий Синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси билан ҳамкорликда экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда Халқаро стандартларга асосланган сифат менежменти тизимини босқичма-босқич жорий этишга моддий жиҳатдан кўмаклашилаётир. Белгиланган тадбирлар режасига кўра «ISHONCY GILAM» МЧЖда ISO 9001 халқаро сифат сертификатини олиш учун меъёрий ҳужжатлар тўпламлари тайёрланмоқда.

— Жойларда ўтказиладиган учрашув, мулоқот ва ОАВ орқали чиқишларимизда тадбиркор юртдошларимизга жамғарманинг мақсад ҳамда вазифалари хусусида маълумот берибгина қолмасдан, ҳудуддаги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга эҳтиёж бор хорижий мамлакатлар, шу йўналишда иш олиб борадиган субъектлар, уларнинг талаб ва таклифлари, ривожланган мамлакатларда ўтадиган халқаро кўргазма ва ярмаркалар хусусида ҳам кўпроқ ахборот етказишга ҳаракат қиламиз, — дейди И.Темиров.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, фаолият бошлаганидан буён ўтган қисқа фурсатда жамғарма маҳсулот экспорти борасида тадбиркорларнинг ҳақиқий таянчи ва суянчига айланиб улгурди. «Соғлом бола йили»нинг ўтган 9 ойида вилоят бўйича жами 46 миллион 110,40 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот ва хизматлар экспорти амалга оширилганлиги фикримиз далилидир.

## Истеъмолчиларга манзур маҳсулотлар

**Иқтисодиётимизнинг барча тармоқлари сингари республикамизда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаси ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинаяпти**

**Зиёдулла МЎМИНОВ,**
«XXI asr»

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлганидек, Хоразмда ҳам яратувчилик ва бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Вилоятда бугунги кунда 10 мингга яқин тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар томонидан ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 50 фоиздан ортиғи ишлаб чиқарилмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари сонининг ортиши бевосита маҳсулот салмоғи кўпайишини таъминлаяпти. Айниқса, хорижий сармоядорлар томонидан тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилаётгани воҳада импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим омил бўлмоқда. Саноат, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, шунингдек, кўп тармоқли фермер хўжаликлари таркибида замонавий технологиялар асосида қайта ишлаш корхоналари очилиши эвазига жойларда қўшимча иш ўринлари яратилаяпти. Тайёрланаётган маҳсулотларни истеъмолчилар талаби даражасида, яъни сифатли, инсон саломатлиги учун безиён ишлаб чиқарилишини таъминлаш эса ваколатли орган — «Ўзстандарт» агентлиги ва унинг ҳудудий марказлари мутахассислари зиммасидадир.

— Мамлакатимизда маҳсулот экспортининг ошиши кўп жиҳатдан ташкилотимиз олдига катта масъулият юклайди, — дейди Хоразм синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси директори Алишер Худойберганов. — Марказимиз мутахассислари тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчиларига сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш борасида яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Зеро, улар тайёрлаётган маҳсулотлар қанчалик сифатли бўлса, шунчалик харидоргир бўлади.

Марказнинг сертификатлаштириш идоралари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қарийб икки миллиард сўмлик озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик, саноат махсулотларига 500 дан зиёд мувофиқлик сертификати берилди. Ўз навбатида, вилоятда тадбиркорлар томонидан бунёд этилаётган ишлаб чиқариш корхоналари сонининг ортиши, шунингдек, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар тури кўпайиб бораётгани мутахассислардан ишга ўта масъулият билан ёндашиш, замонавий синов асбоб-ускуналардан унумли фойдаланишни талаб қилаётганини таъкидлаш жоиз.

Президентимизнинг «Экспорт билан шуғулланувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотлар экспортини кенгайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, вилоятдаги 72 та корхонада халқаро ISO 9001 сифатни бошқариш тизимини жорий қилиш ишлари олиб борилаяпти. Аҳамиятлиси, мазкур корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот салмоғи ортиши билан бирга, бозорда унинг нуфузи ҳам ўзгараяпти. Энди дунёдаги ҳар қандай талабчан харидор ҳам маҳсулот ёрлиғида сифат белгисини кўргач, ҳеч иккиланмай харидор бўлаяпти.

Масалан, «Урганч ёғ-мой», «Хоразм ипаги», «Хоразм гиламлари» масъулияти чекланган жамиятлари, «Хоразм антикор инвест» ишлаб чиқариш корхонаси, «Хоразм шакар» ОАЖ каби кўплаб корхоналарда ISO 9001 сифатни бошқариш тизими жорий этилган бўлиб, мазкур корхоналарда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат, халқ истеъмоли моллари, қурилиш материаллари, нон ва нон маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлар сифати янада яхшиланиб, инсон саломатлигига нисбатан хавфсизлик жиҳатидан талабга тўла жавоб бераяпти.

— Бироқ бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати доимо бир маромда таъминланади, дегани эмас, — дейди А. Худойберганов. — Марказимиз мутахассислари сертификатлаштирилган маҳсулотлар сифати юзасидан корхоналарда инспекция назорати ўтказиб борадилар. Чунки бугун «аъло сифатли» дея тан олинган маҳсулот ўз харидори, дунё бозорида эришган эътиборини йўқотмаслиги керак. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида сертификатлаштирилган маҳсулотлар устидан 100 дан ортиқ инспекция ўтказилиб, тайёр маҳсулотлар сифати назорат қилиб борилди. Бозорларда, дўконлар пештахталарида сифатсиз маҳсулотлар сотилишининг олдини олиш мақсадида маҳаллий матбуот орқали марказимизнинг «Ишонч телефонлари»ни эълон қилиб бораяпмиз.

Маълумки, Хива дунё аҳли эътиборига тушган қадимий ва муаззам шаҳардир. Унга ЮНЕСКО томонидан «Очиқ осмон остидаги музей», дея ном берилгани бежиз эмас, албатта. Мустақиллик йилларида бу қадим шаҳар дунёга янада виқор билан бўй кўрсатди, десак муболаға бўлмайди. Президентимиз Ислом Каримов БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг Самарқандда бўлиб ўтган 99-сессиясида сўзлаган нутқида ҳам Хивани жаҳон наздидаги қутлуғ макон эканлигини таъкидлади.

— Вилоятимизда туризмни ривожлантириш бўйича қўйилган талабларни бажариш учун меҳмонхоналар билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз, — дейди марказ мутахассиси Муяссар Жабборова. — Бинобарин, юртимизга сайёҳлар оқимининг ортиши кўрсатилаётган хизмат савиясига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунинг учун ҳам сайёҳларга хизмат кўрсатаётган меҳмонхоналар иш сифатини дунё андозалари даражасига етказишни биринчи галдаги вазифа деб биладилар. Жорий йил бошидан буён Урганч, Хива, Хазорасп туманларида барча қулайликларга эга бўлган 29 та меҳмонхона қуриб битказилиши кўзда тутилган. Бугунгача ишга тушган меҳмонхоналарга улар томонидан кўрсатиладиган хизматларга марказимиз томонидан мувофиқлик сертификати тақдим этилаяпти. Урганч шаҳридаги «Элшод Хотель» МЧЖ, Хива туманида жойлашган «Бобожон Баззоз» оилавий корхонасига қарашли «Қалъа» меҳмонхоналарига сертификат расмийлаштирилган бўлса, яна олтита меҳмонхонага яқин кунларда лецензия берилади.

БИЛАСИЗМИ?

## Узоқ умр кўриш сири

### ёхуд қуёш нури уйқусизликни даволаши хусусида

Олимлар инсоннинг қанча умр кўришига турли омилларни сабаб қилиб кўрсатадилар. Яъни, бу кўрсаткичларнинг 50 фоизи турмуш тарзи, 20 фоизи ирсият, 20-22 фоизи атроф-муҳит, 8-10 фоизигина тиббиётга боғлиқ экан. Хўш, узоқ умр кўришнинг сири нимада? Геронтологлар — одам умри давомийлигини ўрганувчи олимларнинг айтишича, инсон 150, ҳатто 200 йил умр кўриш ҳам мумкин экан. Машҳур аллома Абу Али ибн Синонинг тиббиётга оид асарларида ҳам шунга ўхшаш фикрлар бор.

— Узоқ умр кўриш учун, аввало, адоғи йўқ руҳий ҳаяжондан халос бўлишни ўрганинг, — дейди психология фанлари номзоди Баҳодир Ботиров. — Асабларни арзимаган нарсалар билан бузманг. Ўз муаммоларингизни хотиржамлик билан ажрим қилиб олинг. Агар ақл билан иш кўрсангиз, муаммонгизни албатта ҳал қила оласиз. У ёки бу вазиятда ўзингизга мустақил ёрдам беролмасангиз, ҳаммасини ўз ҳолига ташлаб қўйинг. Тинчлана билинг.

Одамови кишилар кам яшайди, дейишади руҳшунослар. Бу қоидани олимлар кўп маротаба исботлашган. Хушфеъл, дилбар кишилар билан суҳбат қуриш, хушчақчақлик, одамлар билан алоқада очиқ кўнгиллик, мулоқотга дарҳол киришиб кетиш умрни узайтириб, оғир хасталиклар хавфини камайтиради.

Қариндош-уруғ, дўстларингизга тез-тез қўнғироқ қилиб туринг. Иложи борича уйингизда кечалар уюштиринг. Уларга нотаниш кишиларни ҳам таклиф этинг. Тибетлик узоқ умр кўрувчилар янги танишувлар узоқ яшашнинг бош омили дейишади. Негаки, мулоқот инсонга меҳр, куч бағишлаб иммунитетни оширади. Янги кишилар билан танишишга ҳамма жойда, ҳамма вақт интилинг.

Маълум бўлишича, қуёш нурлари инсонни депрессия ҳолатидан халос қилади. Шунингдек, қуёш нурлари уйқусизликни ҳам даволайди. Ҳар куни қуёш нурида 15-20 дақиқа сайр қилиш инсон соғлиғига бениҳоя катта фойда беради, дейишмоқда олимлар.

## Тарвуз қон босимини туширади

Хорижлик олимлар тарвуз қон босимини меъёрда сақлаб турувчи баъзи дориларнинг ўрнини босишини аниқлашди.

Ўтказилган тадқиқотда ёши 58 дан юқори бўлган 40 нафар киши ўз хоҳиши билан иштирок этди. Олти ҳафта давомида уларнинг ярми тарвуз экстрактини, қолганлари эса плацебо дори моддасини истеъмол қилишди.

Натижа эса ёмон эмас. Тарвуз экстрактини истеъмол қилганларнинг қон босими 11,5 дан – 15,1 пунктгача тушган бўлса, дорини истеъмол қилганларда бу кўрсаткич анча кам — 7,6-7,8 ни ташкил қилган.

Олимларнинг таъкидлашича, қон босимининг тушишида тарвуздаги аминокислоталар — аргинин ва цитруллин иштирок этади.

## Картошка шарбати ошқозон ярасини даволайди

Манчестер университети олимларининг тадқиқотлари натижасида ошқозон ярасини картошканинг шарбати билан даволаш мумкинлиги аниқланди. Инглиз микробиологларининг аниқлашича, картошкадаги антибактериал молекулалар ошқозон ярасини даволашга қодир экан. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу сабзавотда мавжуд молекулалар ошқозон ярасини даволаш учун чиқариладиган деярли барча дориларга қўшилади. Сабаби, айнан ушбу сабзавотдаги молекулалар ошқозон ярасини олдини олади ва даволайди. Мутахассислар келажакда картошка молекулаларини турли йогуртларга ва ошқозон яраси бор касалларнинг ҳар кунги таомномаси таркибига қўшиб ишлатса яхши самара беришини таъкидламоқдалар.

**Мадина ШОАБДИЕВА,**
**Мирзо Улуғбек информатика касб-ҳунар коллежи 1-курс ўқувчиси.**

O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши партия Қибрай туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Зарофат Муҳаммедовага онаси **Карима ОДИЛОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

# Пул мукофотлари эгаларига топширилди

**Аввал хабар берганимиздек, Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилган XVII Осиё ўйинларида 9 та олтин, 14 та кумуш ва 21 та бронза медалини қўлга киритган спортчиларимиз умумжамоа ҳисобда тўққизинчи ўринни эгалладилар**



Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган сурат

**Шухрат ХЎЖАЕВ,**
«XXI asr»

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 8 октябрдаги фармойишига мувофиқ мазкур мусобақа ғолиб ва совриндорлари пул мукофотлари билан тақдирланди. Пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида мазкур мукофотларни эгаларига топшириш маросими бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Марс Қўчқоров, спортчилар Беҳзод Абдураҳмонов, Жамила Раҳматова, Жасур Бойқўзиев, Светлана Радзивил Юртбошимизга мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори учун самимий миннатдорлик билдирдилар.

– Халқаро майдонларда Ватан шаънини ҳимоя қилиш ҳар бир спортчи учун катта шараф, – деди ўйинларнинг таэквондо баҳсларида олтин медалга сазовор бўлган Жасур Бойқўзиев. – Фурсатдан фойдаланиб спортни ривожлантириш, жисмоний тарбия билан шуғулланишимиз, халқаро майдонларда юксак ғалабаларга эришишимиз учун зарур шароит ва имкониятларни яратиб бераётган, биз — ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимизга раҳмат айтмоқчиман.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

## Жаҳондаги ўнтадан биттаси

Жорий йилнинг 16-18 октябрь кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт саройида дзюдо бўйича Гран-при туркумига кирувчи йирик халқаро турнир ўтказилади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бундай нуфуздаги мусобақа дунёнинг ўнта давлатида ўтказилади, холос. Халқаро дзюдо федерацияси қарорига мувофиқ, пойтахтимиз Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнирга 2016 йилгача мезбонлик қилади. 2013 йилда ўтказилган мусобақада 20 га яқин мамлакат вакиллари ғолиблик учун кураш олиб боришган эди.

Аҳамиятли томони шундаки, бу йилги Гран-прида 2016 йилги XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг лицензиялари учун рейтинг очколари ўйналади. Шу боис турнирда иштирок этиш истагида бўлган давлатлар сони ўтган йилгига нисбатан икки баробар кўп бўлиши кутилмоқда.

Шу ўринда ўтган йили Тошкентда ўтказилган Гран-при турнирида ўзбекистонлик полвонлар 5 та олтин, 3 та кумуш ва 5 та бронза медалига сазовор бўлганини айтиб ўтиш лозим.

## Иштихонда Ҳиндистон тангалари



Ноёб хазина туман ҳудудидаги Ҳазар бобо қишлоғида янги иморат қураётган Жозил Мардоновнинг ҳовлисидан чиқди, дея хабар беради 12news.uz сайти.

Маълум бўлишича, хонадон эгаси ҳашарчилар билан биргаликда қазиш ишларини олиб бораётганида унинг кетмони қаттиқ нарсага теккан. Кучли зарб оқибатида чил-чил бўлиб синган сопол кўза ичидан эса майда металл буюмлар — 206 дона танга тўкила бошлаган.

Хазина аввал туман ички ишлар бўлими, кейин эса текшириш учун Самарқанддаги Археология институтига олиб борилган.

Тадқиқотчиларининг таъкидлашича, тангалар XVI асрда Ҳинд диёрининг ўша даврдаги йирик шаҳарлари — Лаҳор, Аҳмадобод ва Фаҳешпурда зарб қилинган бўлиб, карвон йўллари орқали Самарқандга олиб келинган. Бу даврда ҳозирги Ҳиндистон, Покистон ва Афғонистоннинг жануби-ғарбий ҳудудларида Бобурийлар ҳукмронлик қилган.

РЕКЛАМА




Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «POYTAXT»)
ЗАЗ
www.sardor-avto.uz
Товар сертифицирован.



Биз — XXI асрда яшаяпмиз!
Биз — XXI асрда ишлаяпмиз!
Сиз — «XXI ASR»га обуна бўлдингизми?
Нашр индекси: 406
Мурожаат учун телефон: (8 371) 215-63-80

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Тезкор, қулай, ишончли

**Бугунги янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнида пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш ҳар қачонгидан катта аҳамиятга эгадир. Зеро, молия бозорида иқтисодий барқарорликни таъминламай туриб, кўзланган мақсадларга тўла эришиб бўлмайди**

**Мусурмон РЎЗИЕВ,**
«XXI asr»



«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки жамоаси шуни ҳисобга олган ҳолда янги технологияларни амалётга кенг жорий этиш, мижозларга кўрсатилаётган хизмат сифати ва маданиятини оширишга ҳаракат қилаётир.

Жорий йилнинг саккиз ойи давомида муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 663 мингтадан ошди. Шундан 406 мингтаси «Off-line», 278 минг таси эса «On-line» тизимига асосланган.

Мазкур тажриба республикамиз миқиёсида тобора кенг оммалашмоқда. Чунончи, 2014 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига 20 мингга яқин корхона-ташкилотда янги минтақавий лойиҳалар амалга оширилди ва уларга ҳизмат қилаётган 563 нафардан зиёд ходимга пластик карточкалар эмиссия қилинди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар ўртасида хом ашё ва маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш, солиқлар ва бошқа харажатлар бўйича ҳисоб-китоб ишларида фойдаланиш учун корпоратив карточкалар жорий қилинди. Айни кунда уларнинг сони 2 мингтадан зиёдроқни ташкил этмоқда.

Пластик карточка эгаларига қулайлик яратиш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳудудларда 500 та қўшимча терминаллар ўрнатилди. Натижада савдо ва хизмат кўрсатиш объектларидаги терминаллар сони 10 фоизга ошди. Қолаверса, 10 та банкомат ва тўловларни узлуксиз қабул қилишга ихтисослаштирилган 23 та инфокиоск ҳам аҳоли мушкулини осон қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, кўрсатилган коммунал хизматлар учун карточка ҳисоб-варақларидан пул кўчириш билан боғлиқ операциялар тобора такомиллаштирилаяпти. Карточка эгалари эндиликда банк терминаллари орқали ўзларига тегишли маблағларни карточка ҳисоб-рақамларига ўтказиш ва бу хусусда зарур маълумотларни олиш имкониятига эгадирлар.

Яна бир муҳум жиҳат. UZKARD-EMV тизими асосида пластик карточкалар ва терминаллардан бевосита фойдаланмаган ҳолда мобиль телефон, шунингдек, интернет орқали виртуал тўловларни амалга ошириш йўлга қўйилишини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Умуман, банк тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг изчиллик билан жорий этилиши, нақд пул муомаласини барқарорлаштириш, хизмат сифати ва маданиятини яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳисобот йилида банк пластик карточкалари ва терминаллар орқали амалга оширилган трансакциялар ҳажми муносиб равишда 56 ҳамда 34 фоизга етди. 1090 та VIZA халқаро карточкалар орқали эмиссия қилиниб, бажарилган тўлов операциялари миқдори бултургига нисбатан 11 баробарга кўпайгани ҳам эътиборга моликдир.

РЕКЛАМА

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда тадбиркорлар ва маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш мақсадида қабул қилинган фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзстандарт» агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда синов ва сертификатлаштириш марказлари томонидан маҳсулотларга стандартлар ишлаб чиқиш, уларнинг синовларини ўтказиш ва мувофиқлик сертификатлари бериш борасида кўплаб амалий ишлар олиб борилмоқда.

Корхонангизда тайёрланаётган маҳсулотлар синовини ўтказиш ва сертификатлаштириш, шунингдек, импорт товарлар учун мувофиқлик сертификати олиш юзасидан «Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонасининг online режимида ишлайдиган info@tashsert.uz сайти ёки (8-371) 267-03-10 рақамли «Ишонч телефони» орқали мурожаат қилиб, ўзингизни қизиқтирган барча саволлар ва ташвишга солаётган айрим муаммолар хусусида батафсил маълумотларга эга бўлишингиз мумкин.

**Биз Сизнинг хизматингиздамиз, азиз тадбиркорлар!**
**«Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси.**

Хизматлар лицензияланган.

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИРИЯТ: Темур АБДУРАҲМОНОВ, Солижон ЗОИРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Маркс ЮСУПОВ, Асхор ИСТАМОВ, Беҳзод ИСРОИЛОВ, Акбар МУЗАФФАРОВ, Шаҳзод НАЗАРОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Шухрат РАҲИМОВ, Носир ТОШЕВ, Шухрат ХЎЖАЕВ, Наргиза ҚАҲҲОРОВА, Янгибой ҚЎЧҚОРОВ.

БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, xxi_asr@mail.ru

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ: Озод РАЖАБОВ

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: S 1140 Тираж: 11202
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар: Т.АБДУРАҲМОНОВ, Ш.РАҲИМОВ.